

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O‘RTA MAHSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

MAGISTRATURA BO‘LIMI

Qo‘lyozma huquqida
UDK 36:35

МАРДОНОВ АСРОЛ

ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИ

Mutaxassislik: 5A231301 – Pensiya ishi

Magistr akademik darajasini olish uchun yozilgan

DISSERTATSIYA

Ilmiy rahbar: _____ i.f.n., dots. Z.A.Abdullayev

TOSHKENT-2017

**Dissertatsiya Toshkent moliya institutining “Pensiya ishi” kafedrasida
bajarilgan.**

Ilmiy rahbar _____ **i.f.n., dots. Z.Abdullayev**

Kafedra mudiri _____ **i.f.n., dots. B.Mamatov**

Magistratura bo‘limi boshlig‘i _____ **i.f.n., dots. U.Ortiqov**

Кириш

Тадқиқот мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳамма соҳа каби пенсия тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди, шунга қарамай биз ҳали ёш давлат бўлганимиз учун амалдаги пенсия тизими ҳали юқори даражада такомиллаштирилмаган, жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражага чиққани йўқ. Ҳозирги кунда мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида ва бу ўз навбатида мамлакатимиз пенсия тизимини тубдан ислох этиш ва такомиллаштириш, яъни хусусий пенсия фондларини ташкил этиш заруриятини юзага келтиради.

Ҳозир давлатнинг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири – аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўлиб турибди. Буни ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири эса пенсияга чиққан фуқароларнинг яхши яшашларига имкон берадиган пенсия таъминоти бўлади. Пенсия тизимини тузишдан мақсад кекса фуқаролар фақир яшамаслиги учун давлатнинг хайрия қилиши эмас, балки инсон кексайганда унинг тўкин яшашига имкон берадиган пенсия тизимини молиялаш усулини ўйлаб топиш, ижтимоий адолатни таъминлаш бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини бажаришнинг аҳамияти тўғрисида доимо тўхталардилар, “Авваламбор шуни таъкидлашимиз керакки, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позитсиясини мустаҳкамлади”¹, деб доим ижтимоий-маданий соҳани

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизатсия йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазифаларини бажариш зарурлигини таъкидлагандилар.

Ўзбекистон Республикасида “Халқ манфаати” юкори ўринга қўйилиши, биргина давлат бюджетининг 60% ижтимоий соҳага қаратилганидан билишимиз мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг: “Ёши улуғ инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буён ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади”², деганлари Ўзбекистонда пенсия тизимига қаратилаётган юксак эътибордир. Ижтимоий соҳани ривожлантириш 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим бир йўналиши сифатида қабул қилиниши³ мазкур соҳа тараққиётини таъминлаш масаласининг долзарблигини ифодалайди.

Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, пенсия харажатларининг фақатгина давлат томонидан молиялаштириши етарли самара бермайди. Ривожланган мамлакатлар пенсия тизимини молиялаштириш тажрибасини тадқиқ этиш натижаларига кўра, мамлакатлар пенсия тизимида бир вақтнинг ўзида уч босқичли пенсия дастурлари амал қилишини кузатиш мумкин: минимал пенсияъни қафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал пенсия дастури, фуқаролар ихтиёрий тарзда хусусий пенсия суғурталарини амалга оширишлари. Мазкур вазият, ўз навбатида, пенсия фондларини хусусийлаштириш имкониятларини кенгайтириши билан бир қаторда миллий иқтисодиётнинг ички инвестицион жараёнларини ривожлантиришга замин яратади.

² Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. 15 декабр 2016 йил.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони.

Тадқиқот ишининг объекти. Ривожланган мамлакатлар хусусий пенсия фондлари ва уларнинг фаолияти тадқиқот ишимизнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг предмети. Ривожланган мамлакатлар хусусий пенсия фондларининг ташкилий асослари, уларни шакллантириш ва маблағлардан фойдаланш ҳамда уларнинг мамлакатимизга татбиқ этиш мумкин бўлган устувор жихатлари тадқиқот ишимизнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсади бўлиб, бугунги кунда пенсия таъминоти тизимида мавжуд ҳолатни ўрганиш, уни янада такомиллаштириш ва хусусий пенсия фондларини ташкил этиш учун истиқболли йўналишларни ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги тадқиқот ишимизнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгилаб олинди:

- хусусий пенсия фондларининг шаклланиш тарихи ва тараққиётини ўрганиш;

- хусусий пенсия фондлари фаолиятининг назарий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

- ривожланган мамлакатларда хусусий пенсия фондлари фаолиятининг таҳлили;

- хусусий пенсия фондлари маблағларини шакллантириш ва тўловларни амалга ошириш ҳолати таҳлили;

- Ўзбекистон Республикаси жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили;

- ривожланган мамлакатлардаги хусусий пенсия фондларининг илғор тажрибаларини Ўзбекистон Республикасига татбиқ этиш хусусиятлари;

- ривожланган мамлакатлардаги хусусий пенсия фондларининг илғор тажрибаларини Ўзбекистон Республикасига татбиқ этиш хусусиятлари;

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

- ривожланган мамлакатлар хусусий пенсия тизимларининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти илмий асосланди;

- ривожланган мамлакатлар хусусий пенсия тизимларининг амалиёти таҳлил натижалар бўйича тажрибаларни қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди;

- хусусий пенсия тизимини ислоҳ этишда мамлакатимизда илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- мамлакатимизга хусусий пенсия тизимини жорий қилиш стратегияси ишлаб чиқилди;

- хусусий пенсия тизимининг фаолиятини ташкил этиш ва ишлаш механизми бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишининг асосий масалалари ва фаразлари. Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунда “авлодлар бирдамлиги” тамоилига асосланган пенсия тизими амал қилади. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимида йилдан йилга ислоҳотлар амалга оширилиш натижасида ривожланиб бормоқда. Гапимизни тасдиғи сифатида Республикамизга 2005 йил 1-январдан бошлаб давлат пенсия тизимига қўшимча равишда жорий қилинган жамғариб бориладиган пенсия тизими кўрсатишимиз мумкин. Бу ислоҳотларни янада кенгайтириш ва Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимини янада ривожлантириш ва ривожланган мамлакатлар пенсия тизими даражасига кўтариш тадқиқотимизнинг асосий масалаларидан ҳисобланади. Албатта ривожланган мамлакатлар пенсия тизими тажрибаларидан кўришимиз мумкинки уларда нодавлат пенсия тизимлари ривожланган ва уларнинг иқтисодиётдаги ўрни беқиёсдир. Биз ҳам мамлакатимиздаги пенсия тизимини улардаги пенсия тизими даражасига кўтариш бўйича бизни олдимизда қуйидаги масалалар турибди:

- нодавлат пенсия тизимларини мамлакатимизга жорий қилиш бўйича уларнинг меёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

- нодавлат пенсия тизимлари амал қилиши учун мамлакатимизда бу тизимларни жорий қилиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- хусусий пенсия фондлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни инвестицион фаоллигини ошириш;

- мамлакатимиз аҳолисини бу пенсия тизмига ишонч туғдириш бўйича аҳоли ўртасида тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш;

- хусусий пенсия фондларида суғурталанган фуқаролар учун солиқ имтиёзларини жорий этиш.

Тадқиқотда қўлланилган адабиётларнинг қисқача тавсифи. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, етук иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари. Асосан диссертацияни ёзиш даврида ўзбек олимларининг Г.А.Касимова, З.Х.Каримова, А.Хаитов, М.Зиядуллаевларнинг ўқув қўлланма ва адабиётларидан фойдаланилди.⁴ Чет эл адабиётларидан Waldo Tapia, Joel Paula ва Raffaele Della Croce ларнинг адабиётларидан фойдаланилди⁵. Бундан ташқари чет эл олимларининг илмий ишлари ва бу бўйича Ўзбекистонлик иқтисодчиларнинг ривожланган мамлакатлар пенсия тизими таҳлили бўйича ёзган илмий ишлари, мақолалари ва тезисларидан, статистик маълумотлардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот ишида таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил, монографик кузатиш услубларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Нодавлат пенсия тизимларини мамлакатимизга жорий қилишда, уларнинг меёрий-ҳуқуқий асосини яратишда ва ишлаш механизмини ишлаб чиқишда тадқиқот ишининг хулоса ва таклифларидан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида “Хорижий мамлакатлар пенсия тизими” фанини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

4 Касимова.Г.А, Каримова.З.Х “Бюджетдан ташқари фондлар” ўқув қўлланма –Т “Иқтисод-молия” 2009 й ва Хаитов А, Зиядуллаев М “Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси”. Ўқув қўлланма. -Т.: "Адолат". 2009 й.

5 Waldo Tapia “description of private pension system” 2008 йил ва Joel Paula ва Raffaele Della Croce “The tax treatment of funded private pension plans” 2015 OESD

Тадқиқот иши таркибининг қисқача тавсифи. Тадқиқот таркиби кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Тадқиқот ишининг кириш қисмида тадқиқот иши мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги берилган. Шунингдек, тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари, тадқиқот мавзуси бўйича қисқача адабиётлар таҳлили, тадқиқот ишининг объекти ва предмети, тадқиқот ишининг назарий-амалий аҳамияти, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда тадқиқот иши таркибининг қисқача тавсифи кўрсатилган.

Тадқиқот ишинининг ”Хусусий пенсия фондларининг шаклланиши ва назарий-ҳукукий асослари” деб номланувчи биринчи бобида хусусий пенсия фондларининг шаклланиш тарихи ва тараққиёти шунингдек хусусий пенсия фондлари фаолиятининг назарий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Тадқиқот ишининг “Хусусий пенсия фондларининг ташкил этиш амалиёти таҳлили” деб номланган иккинчи бобида ривожланган мамлакатларда хусусий пенсия фондлари фаолиятининг таҳлили, хусусий пенсия фондлари маблағларини шакллантириш ва тўловларни амалга ошириш ҳолати таҳлили кўрсатиб берилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили ёритиб берилган.

Тадқиқот ишининг “Ўзбекистон Республикасида хусусий пенсия фондларини ташкил этиш ва ривожлантириш истиқболлари” деб номланувчи якуний бобида ривожланган мамлакатлардаги хусусий пенсия фондларининг илғор тажрибаларини Ўзбекистон Республикасига татбиқ этиш хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, Ўзбекистонда хусусий пенсия фондларини ривожлантириш истиқболлари аниқланган.

Тадқиқот ишининг якунида хусусий пенсия тизимларини мамлакатимизга татбиқ қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

I-БОБ. ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Хусусий пенсия фондларининг шаклланиш тарихи ва таракқиёти.

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий ҳимоя тизими мавжуд. Бунда ҳар битта мамлакатдаги ижтимоий ҳимоя тизими бир-биридан фарқ қилади. Ривожланган мамлакатлардаги ижтимоий ҳимоянинг асосий хусусияти шундаки, аҳолининг қариган чоғида ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ривожланаётган мамлакатларда эса бу ижтимоий сиёсат бир мунча кенг кўламда олиб борилади. Бунда пенсия ва ижтимоий ҳимоя муаммоларининг ечими қуйидагиларни ўз ичига олади.

- кўп босқичли пенсия тизимини жорий қилиш;
- пенсия бадалларини жорий қилиш ва уни тўлаш тизимини мустаҳкамлаш;
- пенсия тизими иштирокчилари ўз жамғармаларини ўзи хоҳлаган тармоққа йўналтириши ва бу билан инвестицион рискни ўз бўйнига олиш ҳуқуқи мавжуд, бу орқали пенсия тизими иштирокчиси пенсия тизимида янада фаол рўл ўйнайди.

Шу ўринда пенсия тизимига тариф берадиган бўлсак, Пенсия тизими жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манфаатларини қондириш учун мўлжалланган, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб организмдир.

Пенсия таъминоти эса юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда пенсия таъминоти махсус Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан фуқароларга тўловларни тўланишининг таъминланишидир. Яъни пенсия аҳолини иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг асоси ҳисобланади.

Ривожланган ва айрим ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари (Венгрия, Польша, Чехия) тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки,

аҳоли даромадлари дифференциацияси ва иқтисодий эркинлаштириш шароитида уч даражали пенсия тизимини жорий этиш энг оптимал ечим ҳисобланади.

Уч даражали пенсия тизими қуйидаги афзалликларга эга:

1. Биринчи даража – пенсия тизимидаги вазифасига кўра ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу даража меҳнатга қобилиятсиз аҳоли қатламини яшабини таъминловчи пенсия ҳажмини кафолатлайди. Бу даражада давлат томонидан иш стажи, суғурта стажи ва пенсионернинг суғурта ҳисобидаги жамғарма ҳажмидан қатъий назар минимал пенсияъни белгилайди. Бу даража ижтимоий характерга эга.

2. Иккинчи даража – пенсионернинг суғурта ажратмалари ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Ушбу даражанинг асосий мақсади пенсионерни олдинги, меҳнат қобилиятига эга бўлган даврдаги молиявий шароитини сақлаб қолиш. Бу даража фаол ишловчи фуқаро учун мўлжалланган бўлиб, уни юқори тўланиладиган иш жойида ишлашга, пенсия ёшида фойдаланиш учун даромадининг бир қисмини жамғаришга рағбатлантиради. Функцияси ва вазифаларига кўра ушбу даража учта босқичлар ичида энг асосийси бўлиб, у пенсионерга юқори ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган.


3. Учинчи даража – ишчининг ҳоҳиш ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда пенсия ёшига етгач пенсия ҳажмини оширишга қаратилган бўлиб, у индивидуал ва қўшимча функцияга эга. Пенсия тизимининг ушбу босқичи давлат ва нодавлат суғурта компаниялари, банклар, пенсия ва бошқа фондларнинг иштироки асосида ташкиллаштирилади.

Агар давлат пенсия билан таъминлашнинг биринчи ва иккинчи уларнинг ташкил қилиниш шартлари, пенсия таъминоти ҳажмини белгилашда иштирок этса, учинчи даражада давлат тўғридан-тўғри иштирок этмайди, бироқ шартнома ва ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилишида кузатувчи вазифасини ўтайди.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида, айниқса ривожланган мамлакатларда пенсия тизимининг учинчи даражаси яхши ривожланган.

Ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу даражага ўтиш жараёни кузатилади. Бу учинчи даража хусусий пенсия тизимларини яратиш асосида бўлади.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларида пенсия таъминотининг 2 тури амал қилади:булар давлат пенсия таъминоти ва нодавлат пенсия таъминоти буни қуйидаги 1.1-расмда кўришимиз мумкин.



1.1-расм: Пенсия таъминоти тизимларининг турлари⁶

Пенсия таъминотининг пайдо бўлиши қадим замонларга бориб тақалади ва бу кейинчалик ривожланиб тараққий этиб ҳозирги кўринишга этиб келган. Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат пенсия тизими билан бирга нодавлат пенсия тизимлари ҳам ривожланиб бормоқда. У корпоратив ёки индивидуал жамғарма асосида қурилиши мумкин. Бугунги кунда Европа давлати аҳолисининг учдан бир қисми аҳолини корпоратив пенсия суғуртаси принципида қурилган турли хилдаги тизимларга жалб этилган.

Корпоратив тизимлар давлат ва индивидуал схемаларидан фарқли ўлароқ иш берувчилар томонидан молиялаштирилиб, фирманинг ихтиёрий ажратмалари ёки жамоа шартномаларидаги мавжуд шартларга таянади. Корпоратив схемалар давлатнинг минимал аралашуви остида ва нисбатан кам маъмурий харажатларга эга бўлади.

⁶ Waldo Tapia "description of private pension system" OECD publishing 2008 y.google.uz

Индивидуал пенсия тизими эса корпоратив пенсия тизимидан фарк қилиб, унда иштирокчилар индивидуал асосда ва ўз хохишига биноан иштирок этади ва бу жамғармани ҳар хил ташкилотлар орқали бошқарилиши мумкин.

Хусусий пенсия (нодавлат пенсия таъминоти)- истеъфога чиққан даврдан кейин пенсия олиш учун ҳар бир шахс индивидуал даромадидан хисса қўшиш орқали қатнашади. Бу давлат пенсия тизимига муқобил бўлиб, одатда суғурта корхоналари, банклар ва махсус фондлар орқали бошқарилади. Кўпинча, яъни айрим мамлакатларда хусусий пенсиялар иш берувчилар томонидан ҳам бошқарилиши мумкин ва бу пенсия меҳнат пенсияси деб аталади. Хусусий пенсия тизимида бадаллар шаклланиши давлат пенсия тизимига ўхшаб даромаддан бадаллар чегириб қолиш ҳисобига барпо этилади.

Хусусий пенсия тизимлари дастлаб бўлиб Буюк Британия, АҚШ ва Чили мамлакатларига пайдо бўлган ва ривожланган.

Буюк Британия 18 асрнинг биринчи ярмида хусусий пенсия тизимини биринчи бўлиб расмий жорий қилган дунёдаги биринчи мамлакат ҳисобланади. Буюк Британия пенсия тизими дунёдаги энг қадимийларидан бўлиб, оммавий ва универсал пенсия таъминоти 1908 йилда жорий қилинган. Мазкур тизим ташкил этиш, тартибга солиш ва имкониятлар танлови бўйича бирмунча мураккаб ҳисобланади. Буюк Британиялик пенсионерлар ойлик маоши ва иш стажидан келиб чиқиб, давлатдан базавий пенсияъни ҳам, хусусий пенсия тизимидан меҳнат пенсиясини ҳам олиши мумкин. Давлатнинг базавий пенсиясини 65 ёшдан ошган эркаклар ва 60 ёшдан ошган аёллар олиши мумкин ва унинг миқдори чекланган ва инфляциядан келиб чиқиб, давлат томонидан индексация қилинади. Меҳнат пенсияси ҳам ишчи-ходимнинг бадаллари ҳисобига шакллантирилади, бироқ бунда иш берувчи билан тенг иккига бўлинади. Меҳнат пенсиясини тўғридан-тўғри тўловлар миқдориға боғлиқ бўлиб, даромаднинг 20 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Буюк Британия хусусий пенсияларни

жамғаришнинг турли-туман усуллари- корхонада корпоратив дастурлардан тортиб, нодавлат пенсия фондларига ихтиёрий тарзда пенсия жамғаришнинг ривожланган тизимиғача мавжуд.

АҚШдаги пенсия тизимининг ривожланиши эволюцион йўл билан, тармоқлар, штатлар, умумдавлат (федерал) даражада хусусий секторга жамғариш тизимини тажриба сифатида қўллаш орқали ривожлана борган. 1857 йилда илк маротаба Нью Йорк полиция ишчилари учун ҳаётларини ва ногиронликни суғурталаш учун муниципал пенсия фонди ташкил этилган. 1857 йилда “American Express” компанияси томонидан илк маротаба хусусий пенсия режаси тузилади. Унга кўра компанияда 20 йиллик меҳнат стажига эга бўлган, 60 ёшли ишчиларга иш фаолиятини тўхтатганлик юзасидан тўловлар тўланилиши маълум қилинади. Биринчи ўқитувчилар учун пенсия схемаси Нью Йорк шаҳри (1894 йил)да ва Нью Джерси штати (1896 йил)да жорий этилган. 1898 йилда Огайо штатида АҚШ тарихидаги илк кўрларни пенсия билан таъминлаш қонун лойиҳаси қабул қилинади. 1911 йилда Массачусетсда, 1914 йилда Аризонада штатлар доирасида тўлов (взнос)ларга асосланган, барча давлат идоралари ишчиларини қамраб олган биринчи пенсия тизими жорий қилинди. 1920 йилда федерал ишчилари учун граждан ишчилари ва ногиронларни пенсия билан таъминловчи Фонд ташкил этилди.

Америка Қўшма штатларида 1930 йилдан бошлаб қарияларни ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган пенсия тизими тез суратларда ривожланишни бошлади. Бу тизимда давлат ҳамда хусусий компонентлар мавжуд бўлган. Давлат пенсия дастури ўша пайтдаги иқтисодий фаол аҳоли ҳамда қарияларни ўз ичига олиб, қариялар, ногиронлар, аҳолининг ёрдамга мухтож қатламлари, ҳарбий хизматда бўлганлар ва уруш қатнашчиларини ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган. Пенсия тизимининг хусусий қисми саноат фирмалари, нотижорат ташкилотлар ва бирлашмалар томонидан бошқарилиб фақат ўзларининг ишчи ва хизматчиларини ижтимоий қўллаб қувватлашга қаратилган. Бу хусусий сектор хусусий

пенсия тизимини яратишдаги тадқиқотларга кенг йўл очиб берди. Бу тадқиқод хусусий секторнинг молиявий операциялари ва фонд жамғарилиши учун хомаки режа қилинишига олиб келди ва ўз навбатида молиявий институт сифатида хусусий пенсия фондларининг аҳамиятини келажакдаги ғояси билан таъминлади.

АҚШда “Пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши пенсия тизими учун энг илғор, инқилоб аҳамиятидаги янгилик бўлди. Унинг ёрдамида АҚШ ҳукумати кейинги ўн йилликдаёқ кам таъминланган қарияларнинг улкан армияси пайдо бўлиши хавфидан ҳоли бўлишга умид боғлади. Энг аввал қонун бўлажак пенсионерларни улар ишлаётган компанияларнинг касод бўлиши хавфидан ҳоли қилиш мақсади йўлида хизмат қилди. Масалан, ўз ишчи-ходимларига белгиланган пенсия таъминотини ваъда қилаётган иш берувчилар, ваъда қилинган пенсияъни 100%игача захира қилиб қўйишлари керак. Пенсияъни тўлаш ваъдаси ходимга бугун берилиб, унинг тўланиши кўп йиллар ўтганидан сўнг амалга оширилар экан, Америка компаниялари зарурий воситаларни алоҳида ҳисобрақамларида дарҳол тўплашни бошлайдилар. Лекин мазкур пуллар ишбилармонлик фаолиятида мавжуд бўлади ва демак, айна соҳа билан боғлиқ бўлган барча хавф-хатарлардан ҳоли эмас. Шу сабабдан фирманинг касодга учраши тақдирида бўлажак пенсионерлар пул-маблағ воситаларисиз қоладилар. Пенсия захираларининг 80%идан камроқ миқдорини амалга оширишни таъминлаган компаниялар, ўз ходимлари учун шундан кейинги янада юқори даромадли ва лекин янада юқори рискли пенсия инвестицияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Энди иш берувчиларга ўз ходимларини ўз компанияларининг акцияларига пенсия жамғармаларини сармоялашга мажбур этиш таъқиқланди.

Кўплаб пенсия дастурлари илк маротаба буюк Британия ва АҚШда ташкил этилганига қарамасдан, умумдават ижтимоий суғурта дастури биринчи марта Германияда вужудга келган.⁷ Бу “Касаллик ва ёқимсиз

⁷ Romain Despalins “Old Age Pension Schemes” OECD 2014, Paris, France, p.22.

ходисалардан суғурталаш тўғрисидаги Қонун”нинг қабул қилинганидан сўнг бошланди. Бу ерда мажбурий суғурта принципи амалга оширилиб келинади. 17 ноябр 1881 йилда император Вильгельм I Канцлер Бисмарк таклифи билан банд аҳолига мажбурий ижтимоий таъминотни жорий этади. 1889 йилдаги Қарияларни пенсия билан таъминлаш тўғрисидаги Фармоннинг қабул қилиниши билан Германия пенсия таъминотининг миллий дастурига эга бўлган дунёдаги биринчи мамлакатга айланди.


Хусусий пенсия тизимининг расмий ва мукуаммаллашган кўриниши 1981 йилда Чилида пайдо бўлган ва кейинчалик ривожланган мамлакатларда хусусан, Буюк Британия ва АҚШ да ривожланди ва бу тизим муваффақиятга эришди. Кейинчалик бу тизим дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ишлашни бошлади. Бу тизим ҳар бир мамлакатда ҳар хил яъни ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тарзи, урф-одатлари, умр кўриш давомийлиги ва бошқа шу каби хусусиятларидан келиб чиқиб бу тизимни ўзига мослаштирган.

Ҳозирги кунда хусусий пенсия тизимида тадқиқодлар олиб борилган. Бу тадқиқодлардан мақсад бу тизимнинг келажақдаги истиқболини таъминлашдан иборат. Тадқиқод бўйича олиб борилган монографик кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, нодавлат пенсия жамғармалари табиатига кўра икки томонлама хусусиятга эга. Биринчидан, бу жамғармалар жамиятдаги меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзоларнинг моддий ҳолатини яхшилаш вазифасини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдиган муҳим ижтимоий институт деб ҳисобланадилар. Улар ёрдамида одамлар кексалик даврида давлат томонидан кафолатланган энг кам миқдордан юқорирок даромад олиш имконини кўлга киритадилар. Ишчилар ўз пенсия бадалларини мустақил тартибга солиш ёки бу вазифаларни касаба уюшмалари орқали ўз иш берувчиларининг зиммасига ўтказиш имконига эгадирлар. Иккинчидан, бу жамғармалар мамлакатнинг иқтисодий тизимида муайян вазифани бажарадиган ўзига хос молиявий институтлардир. Бундай институтлар

фуқароларнинг жамғарилган пулларины узоқ муддатли инвестициялаш мақсадида жамлаш билан шуғулланадилар.

Пенсия таъминотида хусусий пенсия тизимининг роли ўтган 20 йил ичида сезиларли даражада ўсди. Кўп мамлакатларда сай-ҳаракатлари шуни кўрсатадики хусусий пенсия фонди бадаллар шаклланиши номуносиб равишда қисқартирилди ва ўз навбатида мамлакатдаги хусусий пенсия тизими салмоғини оширади. Шуни кўришимиз мумкинки хусусий пенсия тизими Лотин Америка, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида кенг тарқала бошлади.

Пенсия тизими барқарорлигига бир неча омиллар таъсир қилади. Буни куйидаги расм орқали кўришимиз мумкин.




1.2-расм. Пенсия таъминоти барқарорлигига таъсир этувчи омиллар⁸

Бундан ташқари пенсия тизимига бошқа омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин булар:

⁸ В.Холов. “Ўзбекистонда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришни такомиллаштиришда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш” мақола Молия журнали 2015 й

- ЯИМ ни қисқариши;
- суғурта бадалларининг тушишини қисқариши;
- пенсия тизимини ислоҳ қилишга бўлган эҳтиёжни ошиши;
- мамлакатдаги умр кўриш узунлиги ;

Бугунги кунда дунё аҳолисининг қариб бориш тенденциясини кўришимиз мумкин, бу эса ўз навбатида дунё аҳолисини пенсия билан таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради. Қуйида дунё аҳолисининг қариш тенденциясининг солиштирма расмларини (1.3-1.4 расмлар) кўришимиз мумкин.



1.3.расм. Минтақалар бўйича 1990 йилдаги 60 ёшдан юқори аҳоли улуши (фоизда)⁹

Бу расмимиздан шуни кўришимиз мумкинки, бутун дунёда 1990 йилда 60 ёшдан ошганлар сони умумий аҳолидаги улуши 10% ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичларнинг энг юқори улуши ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларга тўғри келган ва бу 17% ни ташкил этган. Кейинги ўринда Хитой, Лотин Америкаси ва Осиё мамлакатлари ўз навбатида 10% ва 9% ни ташкил қилган. Энг кичкина кўрсаткичларни Шимолий Африка ва Ўрта Шарқ ва Жанубий Африка мамлакатлари ўз навбатида 8% ва 6% ларни ташкил қилган. Шу ўринда айтишимиз мумкини бу кўрстакичлар бутун

⁹ Pietro Grandi "Development Human Report" 2012 y.

дунёдаги мамлакатларда пенсия юкини кўрсатган. Айрим мамлакатларда бу кўрсаткич ўта юқори ва айримларида эса кам бўлган.



1.4-расм.Минтақалар бўйича 2030 йилдаги кутилаётган 60 ёшдан ошган аҳоли улуши (фоизда)¹⁰

1.4-расмга асосан 2030 йилда кутилаётган прогнозга асосан дунё аҳолисида 60 ёшдан ошганлар сони 1990 йилга нисбатан 7% ошади. Минтақалар бўйича ҳам бу кўрсаткич юқори бўлиши кутилмоқда ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлари 13% га, Хитой ва Лотин Америкаси мамлакатлари 12% га, Осиё мамлакатлариники 9% га кўтарилиши мумкин. Кейинги ўринда Шимолий Африка ва ўрта шарк ва Жанубий Африка мамлакатлари кўрсаткичлари ўз навбатида 2% ва 1% га кўтарилиши кутилмоқда. Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики келажакда дунё бўйлаб пенсия билан таъминлаш муаммоси кўпайса кўпаядики камаймайди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида ҳозирги кунда кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар хусусий пенсия фондларини жорий қилишган ва ривожлантиришмоқда.

¹⁰ Pietro Grandi "Development Human Report" 2012 y.

1.2. Хусусий пенсия фондлари фаолиятининг назарий асослари ва унинг ўзига хос хусусиятлари.


Дунё мамлакатларида хусусий пенсия тизимининг ҳар хил кўринишларда ташкил этилган. Айрим мамлакатларда бу пенсия тизими мажбурий тартибда, яъни бу пенсия тизимида иштирок этиш ва минимал бадал миқдори белгилаб қўйилган бўлади ва минимал бадалдан ташқари бадал тўлаш ихтиёрий тартибда ташкил этилган. Ихтиёрийлик тизими асосида ишлайдиган хусусий пенсия тизимлари ҳам мавжуд, яъни бу тизимда иштирок этиш ва бадал тўлаш жихатдан ихтиёрий. Бундан ташқари аралаш турдаги пенсия тизимлари ҳам мавжуд, яъни, бази мамлакатлар иштирок этиш жихатдан мажбурий ва бадал тўлаш жихатдан ихтиёрий ва буни акси минимал бадал тўлаш мажбурий ва иштирок этиш ихтиёрий бўлган тизимлар ҳам айрим мамлакатларда амал қилади. Масалан кўплаб Лотин Америка мамлакатларининг кўпчилигида мажбурий аъзолик тизими амал қиладиган хусусий пенсия тизимлари амал қилади ва бу умумий ижтимоий ҳимоя тизимига кириб, расмий секторларда банд бўлган ишчиларга бу тизимда иштирок этиш мажбурий. Мустақил ва норасмий секторларда банд бўлган ишчиларга бу тизимда иштирок этиш ихтиёрий.

Кўплаб Европа мамлакатларида хусусий пенсия тизими ихтиёрий шаклда ташкил этилган. Буни Буюк Британия талқинида кўрадиган бўлсак, пенсияъни ошириш орқали бу пенсия тизимида иштирок этишга жалб қилиш ишлари амалга оширилган ва кейинчалик бу ишлар ўз натижасини кўрсатган.

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларда давлат ва нодавлат пенсия фондлари амал қилмоқда ва бу фонларнинг ҳар қайсининг ўзига яраша мамлакат ҳаётида ва иқтисодиётида тутган ўрни мавжуд.

Мамлакатда бозор муносабатларини такомиллаштириш ва ҳалқаро иқтисодий интеграцияъни кучайиши молиявий муассасаларда, умуман хўжалик юритувчи субъектларда узоқ муддатли маблағларга бўлган талабни

кучайтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига назар ташласак, муомалага “узун” молиявий ресурсларни таклиф этишда суғурта компаниялари, инвестиция ва пенсия фондлари каби банкдан ташқари молия институтларининг ўрни бекиёсдир. Халқаро амалиётда “узун” пулларни иқтисодиётга таклиф этишда нодавлат пенсия фондлари ҳам муҳим молиявий бўғинлардан ҳисобланади. Чунки нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий активлари жисмоний шахсларнинг ажратмалари ҳисобига шакллантирилади ва улар пенсияга чикқунга қадар тарафларнинг келишувига асосан пенсия жамғармаси ихтиёрида бўлади. Шунини таъкидлаш жоизки, молия ва қимматли қоғозлар бозори юқори даражада ривожланган етакчи давлатларда нодавлат пенсия жамғармаларининг молиявий ресурслари мамлакат ЯИМда улуши юқори эканлигини кўриш мумкин(1.5-расм).



1.5-расм. 2015 йилда Ривожланган давлатларда нодавлат Пенсия жамғармалари маблағларининг ЯИМдаги улуши¹¹

Ривожланган бозорларда 20-асрнинг 70-йилларидан то ҳозирга қадар фаолликнинг ва институционал инвесторлар сонининг ўсиши капитал бозорларининг кенгайиши ва улардаги тузилмавий ўзгаришлар билан

¹¹David Pinkus “Pensions at Glance” 2016 й. 45-р.

боғлиқ, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари эса жамғармаларни институционаллаштиришни ошириш ва капитал бозорларини ривожлантириш йўлини танлади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида институционал инвесторлар бошқарувидаги активлар ҳам тез ўсмоқда. Бу кўп жиҳатдан пенсия таъминотини ислоҳ қилишнинг бошланиши – пенсия жамғармаларини фондлаштириш билан боғлиқ.

Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларининг айримларида бошланган пенсия ислохотлари натижасида активларнинг катта миқдори активларни бошқарадиган менежерлар бошқарувига ўтиб кетмоқда. Лотин Америкасида ислохотларни бошлаб берган Чили бу борада етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгра минтақадаги яна бир қанча мамлакатлар унга қўшилди, яқиндагина Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида фондланадиган хусусий мақсадли контрибуцион пенсия тизимлари қабул қилинди. Аммо кўпгина мамлакатлар ҳали ҳам пенсияга яқин ёшдаги ходимлар учун «олаётганда тўлаймиз» тизимини мақбул деб ҳисоблайдилар (жуда бўлмаганда бир муддат ўтиш даври давомида). Лотин Америкаси мамлакатларида хусусий пенсия фондлари бошқарувида бўлган активлар ЯИМнинг 1997 йилда 4% дан 2002 йилда 9% га қадар ўсди. Чилида тўлиқ фондланадиган тизим 22 йил ишлаганидан кейин ЯИМнинг 54% га етди, бошқа мамлакатлар эса ҳали активларни жамғаришнинг илк босқичларида. Бошқарувдаги активлар Мексикада (1997 йилда ЯИМнинг 0,2% ва 2002 йилда 5%), Перуда (1993 йилда 0,1% ва 2002 йилда 8%), Уругвайда (1996 йилда 0,2% ва 2002 йилда 7,2%), Венгрияда (1998 йилда 1,3%, 2002 йилда 4,5%) ва Қозоғистонда (1998 йилда 1,3%, 2002 йилда 6%).

Осиё мамлакатларида пенсия даромади аксарият ҳукумат ҳомийлик қиладиган, стратегияси эҳтиёткор бўлган миллий жамғарма фондлари фаолияти билан таъминланди. Бу минтақа учун Гонконг истисно, унинг мажбурий жамғарма фонди фуқароларга кўп сонли хусусий вакил инвестиция фондларидан ўз пенсия планини танлаб олишга рухсат беради. Аммо бу тизим ҳали бошқарувга ўтадиган катта миқдордаги актив тўплай

олгани йўқ. Малайзия ва Сингапурда эса ҳукумат ишлайдиган фуқаролар учун тўла фондлашган контрибуцион тизимни маблағ билан таъминлайди (муайян даражада бошқаради ҳам). Бу тизимлар жамғаришнинг юқори даражаларига эришди ва бошқарувда бўлган катта миқдордаги активларни тўплади.

Жанубий Кореяда миллий пенсия тизими тўлиқ фондлаштирилган, аммо олдиндан белгилаб қўйилган пенсия планларини таклиф этади ва шу сабабдан бошқа мамлакатларнинг жамғариш даражасига эриша олмади. Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрларига кўра, мажбурий миллий жамғарма фондлари маҳаллий, минтақавий капитал бозорлари ривожига муҳим ҳисса қўшгани йўқ. Бу мамлакатларда фондларни бошқариш стратегияси жуда консерватив. Бунинг сабаби шундаки, активлар ҳукумат қимматли қоғозларига кучли даражада жалб этилган. Жанубий Кореяда Миллий пенсия схемасининг учдан икки қисми бевосита ҳукумат заёмларига йўналтирилади, Сингапурда эса, аксинча, Марказий жамғарма фонди активларининг катта қисми нобозор ҳукумат қимматли қоғозларига инвестиция қилинади.

Россия иқтисодчиларидан С.В.Кадомцева “Государственные финансы” номли ўқув қўлланмасида “Макроиқтисодиётнинг асосий муаммолари ва давлат сектори” номли параграфда айнан давлат пенсия тизими ва жамғариб бориладиган пенсия таъминоти масаласига тўхталади. Унинг фикрига кўра, давлат пенсия таъминоти тизимининг амал қилиши хусусий жамғармаларнинг даражасини камайтиради. Россия Федерациясида пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларни олиб борилиши шахсий жамғармаларни ҳажмини оширди, демак иқтисодиётга инвестициялар ҳам ошди. Келгусида хусусий жамғаришга тўлиқ ўтиш ва ижтимоий суғурта бадалини ошириш, пенсия жамғармаларига бадалларни кўпайтириш ва акционерлик жамиятлари томонидан инвестицияларга йўналтиришни камайишига ва капитал бозоридаги ўзгаришларга олиб келади. Маълумки кўпчилик мамлакатлар хусусий пенсия тизимини жорий қилишда

Чили модели алохида ўрин тутди. Бу моделда давлат пенсия тизими икки хил дастурни ўз ичига олади:

1. Давлат кафолати остидаги хусусий пенсия тизими бўлиб, хусусий пенсия тизимининг иштирокчилари жумладан, пенсия бадалларини етарлича тўламаган тақдирда ҳам минимал пенсия билан таъминлайди. Агарда ўз шахсий ҳисоб варағига мунтазам бадаллар тўлаб борган бўлса ва муайян талабларни бажарса (20 йил давомида бадаллар тўлаган бўлса) улар минимал пенсия миқдоридан каттароқ яъни ўзларининг жамғармасидан келиб чиқиб пенсия олиш ҳуқуқи мавжуд.

2. Ижтимоий пенсия тизимида 65 ёшдан ошган ва ногиронларни энг кам пенсиянинг 50% миқдоридagi пенсия билан таъминлаш жорий қилинган.

Хусусий пенсия фонди даромадлари ҳар бир индивидуал шахснинг ишлаш ҳаёти давомида мунтазам равишда тўлаб борган пенсия бадаллари ҳисобланади. Ушбу тизим пенсия фондлари томонидан бошқарилади ва бу қонун билан таъминланган. 1987 йилда иштирокчилар қўшимча ихтиёрий равишда ўзларининг шахсий жамғармасига бадаллар тўлаши мумкинлиги тўғрисида қонун қабул қилинди. 2002 йилда янги қонун кучга кирди ва бунга кўра, бошқарув муассасалар сони кенгайтирилди яъни банклар, суғурта институтлари ва бошқа ваколатли институтлар шулар жумласига киритилди. Пенсия жамғармаси бошқарув муассасаси томонидан пенсия жамғармалари фаолияти назорат қилинади ва ишлаши таъминланади.

1983 йил 1-январдан кейин меҳнат бозорига кирган ишчилар хусусий пенсия тизимининг иштирок этиши талаб этилади. Давлат хизматчилари ва бошқа давлат ходимлари, шунингдек қуролли кучлар аъзолари бу тизимда иштирок этишдан озод бўлиб, уларнинг ўзларининг пенсия тизими мавжуд.

Ўзини-ўзи иш билан таъминлаган шахсларга (хусусий тадбиркорларга), ишсизлар ва норасмий ишларда ишловчиларга бу тизимда иштирок этиш мажбурий эмас.

Мажбурий бадаллар индивидуал ҳар бир шахс учун ўзларининг шахсий жамғармасига жамланади. Бадаллар иш берувчилар томонидан ишчиларнинг даромад солинадиган маблағларидан чегириб қолинади ва пенсия жамғармасига ўтказилади. Ўртача бадал ставкаси солиқ солинадиган даромаднинг 12,3% ни ташкил этади ва бундан ташқари ихтиёрий пенсия бадалларини тўлаб бориши мумкин.

Ихтиёрий пенсия бадаллари иш берувчилар билан келишилган ҳолда ўтказилади. Ҳозирги кунда пенсия жамғармалари, банклар, махсус фондлар ва суғурта институтлари томонидан бу ихтиёрий бадалларни бошқариш рухсат этилган.

Индивидуал ҳисоб рақамлар хусусий, ихтисослаштирилган пенсия жамғармалари томонидан бошқарилади. Пенсия жамғармалари аъзоларнинг активларининг самарадорлигини ошириш, рискни камайтириш ва етарли даражада қайтишини таъминлаш учун жавобгар ҳисобланади. Агар пенсия жамғармаси муваффақиятсизликка учраса, бу пенсия жамғармаси иштирокчиларига салбий таъсир кўрсатмайди. Балки бошқа бир пенсия жамғармасига йўналтирилади. Фонд бадаллар ва тўловлар ҳақидаги маълумотларни сақлайди, тизим иштирокчиларини бошқарув органи ва аъзолари, суғурта сиёсати ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди.


2002 йил август ойидан бошлаб, пенсия жамғармаси 5 хил турдаги А, Б, С, Д ва Е турдаги рисклар даражасига қараб ҳар хил фондларга бўлинди. Пенсия жамғармаси А фонди қўшимча жамғарма бўлиб, бу мултифонд дейилади. Бу фондлар уларнинг портфелидаги маблағларга мутаносиб равишда табақалаштирилган ўзгарувчан даромад (масалан, қимматли қоғозлар) ва ўзгармас даромад (масалан, кам riskли банк депозитлари, ипотека кредити ва давлат облигациялари). Фондлар riskлилиқ даражасига кўра бир-биридан фарқ қилади. Хусусий пенсия тизими иштирокчилари қайси фондга пул маблағларини қўйишни ўзлари ихтиёрий равишда танлашади ва бу билан бу тизимда фаол қатнашади ва инвестицион riskни ўз бўйнига олади.

Юқоридаги 1.5-расмдан кўришимиз мумкинки Австралия хусусий пенсия тизими ЯИМда юқори кўрсаткични эгаллаган. Ушбу мамлакат пенсия тизимини кўрадиган бўлсак, Австралия аҳолини истеъфога чиққандан кейин даромад билан таъминлаш мақсадида янги инструкцияларни ишлаб чиқди. Кейинчалик давлат рақобатни ривожлантириш мақсадида ўз олдига бир нечта устувор йўналишларни белгилаб олди. Бунда биринчи қадам хусусий пенсия тизимини ташкил қилиш бўлди. 2005 йил 1-январдан ишчилар хусусий пенсия тизимида иштирок этишни бошладилар.

Австралия пенсия тизими 2 қисмдан иборат:

- Давлат пенсия тизими(Age Pension)
- Хусусий пенсия тизими (the Superannuation Guarantee system).

Ҳар хил фонд аъзоларининг турланишига асосан Хусусий пенсия (the Superannuation Guarantee system) фондининг ҳар хил бошқарув тури мавжуд(1.6-расм).



1.6-расм: Австралия хусусий пенсия тизимининг структураси¹²

Давлат пенсия тизими аҳолини қариганда минимал пенсия билан таъминлайди.

¹² Joel Paula va Raffaele Della Croce “The tax treatment of funded private pension plans” 2015 OESD

Хусусий пенсия тизими (the Superannuation Guarantee system) хусусий секторлар орқали бошқарилади ва шахсий ҳисоб тизими асосида ишлайди. Иш берувчилар ишчи-ходимларининг ҳисобидан бадалларни тўлашда маъсул шахс ҳисбланади. 2005 йил июлда янги қонун жорий қилинди, бунга кўра иш берувчилар ишчи—ходимларнинг бу тизимда мажбурий иштирок этишига маъсул қилиб қўйилди.

Хусусий пенсия тизими (the Superannuation Guarantee system) қонун коидалар асосида бошқарилади. Бу тизимда иштирок этиш мажбурий лекин, бадаллар миқдорини тўлаш жихатдан ихтиёрий ҳисобланади.

1.1-жадвал

Австралияда хусусий пенсия тизимлари сони(2012 й)¹³

Кўрсаткичлар	Фондлар сони	Аъзолик(мингда)	Активлар(долларда)
	Фонд турлари		
Корпоратив	2045	1419	65
Саноат	109	7601	52
Жамоа сектори	78	2946	102
Савдо	240	12684	175
Кичкина фондлар	251756	439	103
Йиллик умр захиралари			21
Жами:	254228	25089	518
	Жамғарманинг фойдалилиги		
Жамғармалар	253506	20981	338
Фойдалилиги аниқлаш	322	555	18
Аралашма	400	3552	140
Жами:	2254228	25089	497

¹³ Flavio Marcilio Rabelo “Comparative regulation of private pension plans” 2008 y.

Чехияда давлат ва хусусий пенсия тизими амал қилади. Аҳолиси тез суръатлар билан кексаяётган бу мамлакатда умр кўриш давомийлиги 2005 йилдан ҳозирга қадар эркаклар учун 7,1 йилга (72,6 ёшдан 79,7 ёшга), аёллар учун 5,1 йилга (79 ёшдан 84,1 ёшга) ортган. Демографик боғлиқлик даражаси (умумий аҳолига нисбатан 65 ёшдан ошганлар сони) 2010 йилдаги 17,9 фоиз- дан 2020 йилда 20,2, 2030 йилда 22,9, 2040 йилда 25,3, 2050 йилда 30,9, 2060 йилда 33,4 фоизгача ортиши прогноз қилинмоқда. 2060 йилга бориб, аҳолининг 65 ёшдан юқори қисми сони 1,6 млн. кишидан 3,2 млн. кишигача, 75 ёшдан юқори қисми сони 0,7 млн.дан 2,0 млн. кишигача, 85 ёшдан юқори қисми эса 0,2 млн.кишидан 0,7 млн. кишига ортиши кутилмоқда. Чехия давлатида ҳозирга пайтда бир нафар пенсионерга меҳнатга лаёқатли 1,8 шахс тўғри келади, 2050 йилда бу кўрсаткич 1,2 бўлиши тахмин қилинмоқда. Чехияда давлат пенсия тизими маблағлари иш ҳақидан тўланган суғурта тўловларидан келиб чиқиб, иш берувчи томонидан тўланган суғурта тўловлари ва яқка тартибдаги тадбиркорлар тўловчи тўловлар ҳисобига шакллантирилади. Мамлакатда хусусий пенсия фондларининг фаолияти Молия вазирлиги томонидан назорат қилинишидан мақсад турли хил кўринишдаги рисклардан сақланишдир. Фуқаролар хусусий пенсия жамғармасидаги пуллари 60 ёшдан кейин олиш ҳуқуқига эга. Чехия пенсия таъминотининг 90 фоизидан ортиғи давлат улушига, қолгани хусусий пенсия фондлари ҳиссасига тўғри келади. Давлат ва хусусий пенсия таъминоти узвий боғланган. Хусусий фондларга ўтказиладиган сумманинг лимити 3 фоиз қилиб белгиланган. Хусусий пенсия фондига кириш ихтиёрий, лекин киргандан кейин пенсия ёшига етгунга қадар мажбурий тўлов амалга оширилади. Фуқаролар бирор хусусий пенсия фондидан бошқа фондга ўтиши ҳар беш йилда бир марта амалга оширилиши мумкин. Чехия пенсия тизимида ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойилидан фойдаланилади. Пенсия ёшининг ўзгариши бирданига эмас, ижтимоий адолатлиликни таъминлаш

мақсадида аҳолига сезиларли таъсир этмайдиган тартибда амалга оширилмоқда, жумладан, пенсияга чиқиш ёши 2 ойга ошириб борилмоқда.

Бу мамлакатлар пенсия тизими ўрганиш орқали хусусий пенсия тизимининг қуйидаги афзалликларини келтиришимиз мумкин.

Хусусий пенсия тизимининг афзалликлари:

- хусусий пенсия тизими ялпи миллий жамғариш хажмини оширади ва инвестициялар миқдорининг ўсишига таъсир этади;

- хусусий пенсия тизими пенсиялар миқдорини ишловчининг иш ҳақи ва пенсия жамғармаларининг самарадорлигига боғлиқ равишда ривожлантириш имконини беради;

- иштирокчилар ихтиёрий равишда пенсия бадалларини тўлайди ва бу маблағлар миқдорини йил давомида ўзгартириш имконияти мавжуд;

- йиғилган жамғарма профессионал мутахассислар томонидан бошқарилади;

- иштирокчилар агар хоҳласа ўзларининг жамғармаларини кузатиб бориш имконияти бўлади;

- бу тизим доимий равишда давлат томонидан назорат қилиниши;

- иштирокчилар хусусий пенсия фондларининг пенсия режалари билан танишиш имкониятига эга;

- иштирокчилар истеъфога чиққан пайтида ҳам пенсия бадалларини тўлаб боришлари мумкин;

- иштирокчилар пенсия бадалларини тўлашни бирмунча вақт тўхтатиб туришлари мумкин;

- иштирокчилар пенсияга чиқишдан олдин бу тизимдан чиқиш ҳуқуқига эга;

- иштирокчилар қанча вақт бу тизимда узоқ иштирок этса, пенсия даври давомида пенсия миқдори шунча юқори бўлади.

I-боб бўйича хулоса

Тадқиқодлар натижасида биринчи боб бўйича қуйидаги хулосалар қилинди.

1. Ривожланган давлатларда пенсия тизими “уч поғонали тизим” сифатида характерланади:

- Биринчи поғона – мажбурий пенсия суғуртаси.

- Иккинчи поғона – “корхонадан пенсия”. Кўпчилик корхоналар собиқ ходимларига қонун билан белгиланувчи пенсия суғуртасига қўшимча равишда пенсия тўлайди. Кексаликдан ҳимоянинг мазкур шакли ихтиёрий ҳисобанади, яъни корхона собиқ ходимига қўшимча пенсия тайинлаш ва тўлашни ўзи мустақил ҳал этади.

- Учинчи поғона – хусусий усул орқали ўз кексалиги юзасидан ғамхўрлик. Мазкур поғона хусусий капитални шакллантиришнинг барча турларини (кўчмас мулк сотиб олиш, қимматли қоғозлар фондини ташкил этиш, узоқ муддатли жамғарма шартномаларини имзолаш ва б.) қамраб олади.

2. Дунё амалиётида ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан икки хил кўринишдаги пенсия тизими амал қилади:

- Давлат пенсия тизими.

- Нодавлат пенсия тизими.

3. Хусусий пенсия тизимлари дастлаб Буюк Британия, АҚШ ва Чили мамлакатларига пайдо бўлган ва ривожланган. Хусусий пенсия тизими компонентлари қадим замонлардан кўплаб мамлакатларда бўлишига қарамасдан унинг расмий ва муқаммаллашган кўриниши 1981 йилда Чилида пайдо бўлган ва кейинчалик ривожланган мамлакатларда хусусан, Буюк Британия ва АҚШ да ривожланди ва бу тизим муваффақиятга эришди. Кейинчалик бу тизим дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ишлашни бошлади.

4. Хусусий пенсия тизими- истеъфога чиққандан кейин пенсия олиш учун ҳар бир шахс индивидуал даромаддан хисса қўшиш орқали катнашади. Бу давлат пенсия тизимига муқобил бўлиб, одатда суғурта корхоналари, банклар ва махсус фондлар орқали бошқарилади. Кўпинча, яъни айрим мамлакатларда хусусий пенсиялар иш берувчилар томонидан ҳам бошқарилиши мумкин ва бу пенсия меҳнат пенсияси деб аталади. Хусусий пенсия тизимида бадаллар шаклланиши давлат пенсия тизимига ўхшаб даромаддан бадаллар чегириб қолиш ҳисобига барпо этилади.

5. Хусусий пенсия тизимининг афзалликлари:

- Хусусий пенсия тизими ялпи миллий жамғариш ҳажмини оширади ва инвестициялар миқдорининг ўсишига таъсир кўрсатади;
- Иштирокчилар қанча вақт бу тизимда иштирок этса, пенсия даври давомида пенсия миқдори шунча юқори бўлади;
- Иштирокчилар агар ҳоҳласа ўзларининг жамғармаларини кузатиб бориш имконияти эга бўладилар;
- Бу тизим доимий равишда давлат томонидан назорат қилиниши;

II-БОБ. ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

2.1 Ривожланган мамлакатларда хусусий пенсия фондлари фаолиятининг таҳлили.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида хусусий пенсия тизими қўшимча пенсия таъминоти воситаси бўлибгина қолмай, айни пайтда иқтисодиётга муҳим инвестициялар манбаи ҳисобланади. Хусусий пенсия тизимини молиявий қудратига кўра фақат банк тизими билан қиёслаш мумкин. Айни пайтда хусусий пенсия тизими қўшимча пенсия таъминотининг хилма-хил схемаларидан фойдаланади: банк депозити тамойили бўйича оддий жамғаришдан то хусусий пенсия тизимига маблағларни мустақил, иш берувчи ва ёки васийлик ташкилотлари томонидан ўтказишнинг аралаш схемаларигача қўлланилади.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодий тараққиётида давлатнинг етакчилик роли катта аҳамиятга эга, яъни иқтисодиётни эркин тадбиркорлик билан давлат томонидан бошқариш “бирлашиб кетган”. Давлатнинг асосий бошқариш дастаги солиқ ва молия сиёсати орқали тадбиркорликка таъсир этиш ҳисобланади.

Ҳар бир мамлакатда амал килаётган пенсия тизимининг сифатини белгиловчи кўрсаткичлар қаторига пенсия миқдорининг муносиблиги ва етарлилиги, узоқ муддатда барқарор фаолият кўрсатиши, ташқи омилларга нисбатан барқарорлиги киради. Дунё мамлакатларида айтиб ўтганимиздек пенсия схемалари турлича. Пенсия тизимида маблағларнинг йиғилиши ва бу тизимда иштирок этиш даври пенсия ёши ва умр кўриш давомийлигига боғлиқ. Барча мамлакатларда пенсия соҳасида пенсия ёшини узайтириш, пенсияъни ҳисоблаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар долзарб ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда пенсияга чиқиш ёши, умр кўриш давомийлиги ва пенсияда ўртача умр кўриш узунлиги куйидаги жадвалда акс эттирилган.

2.1-жадвал

Ривожланган мамлакатларда ёшга доир пенсия ёши ва ўртача умр кўриш ёши¹⁴

Мамлакатлар	Аёллар	Эркаклар	Ўртача	Ўртача умр кўриш ёши	Пенсияда ўртача умр узунлиги
АҚШ	65	65	65	78.1	13.1
Буюк Британия	65	65	65	79	14
Германия	67	67	67	79.8	12.8
Италия	65	67	66	83	17
Испания	65	65	65	80.1	15.1
Франция	65	65	65	81	16
Япония	70	70	70	83.6	13.6
Хитой	55	60	57.5	73.7	16.2
Хиндистон	65	65	65	65.8	0.8
Россия	55	60	57.5	66	8.5

Жадвал маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, кўпчилик мамлакатларда ёшга доир пенсия ёши анча катта ва бази мамлакатларда аёллар ва еркаклар ёши тенглаштирилган. Фақат Россия ва Хитой мамлакатларининг ёшга доир пенсия ёши кичикроқ, лекин уларнинг ўртача умр кўриш ёши нисбатан пастроқ. Ўртача умр кўришнинг узайиши бевосита пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигига таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир. Шу нуқтаи назардан, пенсия бадалларининг ҳозирги қиймати ва уни келажакда тўловлар шаклида қайта тақсимлашда

¹⁴ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.

мазкур омилни истиқболдаги ҳолатини инобатга олиш айтиш муҳим масаладир.

Нодавлат жамғарма схемаларига эътиборнинг кучайиши, уларни аста-секин пенсия суғуртаси тизимига жалб этишни ҳамма ривожланган давлатлар учун умумий бўлган тенденциялар деб ҳисоблаш мумкин. Илгарилари жамғарма схемалари системасиз, режасиз, айтиш мумкинки, тасодифан юз берган. Пенсия дастурларини ишлаб чиқишда етакчиликни фирмалар ўз қўлларига олиб, ҳукуматга тартибга солиш вазифасини қолдирганлар. Ҳозирги даврга келиб, давлат томонидан тартибга солинадиган ва иш берувчилар ҳамда хусусий шахслар томонидан молияланадиган жамғарма пенсия дастурлари тобора муҳим рўл ўйнамоқда.

Халқаро амалиёт кўрсатишича, аксарият мамлакатларда – тақсимланувчи давлат ҳамда мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган – аралаш пенсия тизимлари амал қилмоқда. Пенсия тизимининг аралаш тури молиявий барқарорлик ва тўланаётган пенсия даражаси нуқтаи назаридан самарали ҳисобланади¹⁵. Жаҳон амалиётида жамғариб бориладиган ва тақсимланувчи пенсия моделлари соф ҳолда кам учрайди. Бир вақтнинг ўзида мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган қисмлари мавжуд пенсия тизими Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) аъзо мамлакатлар орасида фақат Норвегияда амал қилади¹⁶.

Дунёнинг аксарият Мамлакатларида пенсия таъминотининг молиявий асосини тақсимланувчи давлат пенсия тизими ташкил этади. Шу билан бирга, жамғариб бориладиган пенсия тизимлари пенсияларни молиялаштиришда сезиларли аҳамият касб этиши мумкин. Умуман, ИХТТ мамлакатлари бўйича жамғариб бориладиган компонентлар қоплаш коэффициенти 25 пункт қўшса, ушбу кўрсаткич Европа Иттифоқи мамлакатлари бўйича 10 пунктга тенг (2.2-жадвал).

¹⁵ Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // Труды ИСА РАН. 2008. № 38. С. 168–173.; Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // American review of public administration. 2014. № 1(44). P. 92–111.

¹⁶ Rozanov A. Public pension fund management: best practice and international experience // Asian Economic Policy Review. 2015. № 10. P. 275–295.

2.2-жадвал

Турли мамлакатларда қоплаш коэффициенти, %¹⁷

Давлатлар	Давлат тақсимланувчи пенсия тизимлари	Мажбурий жамғариб бориладиган тизимлар	Ихтиёрий жамғариб бориладиган тизимлар	Жами
Бельгия	41	-	15,1	56,1
Канада	39,2	-	33,9	73,1
Чили	4,8	37,2	-	42,0
Чехия	43,5	-	39,2	82,7
Германия	42,0	-	16,0	58,0
Ирландия	36,7	-	43,0	79,7
Янги Зеландия	40,6	-	14,1	54,7
Норвегия	45,7	6,8	11,3	63,8
Швеция	33,9	21,7	-	55,6
Швейцария	32,0	23,1	-	55,1
Буюк Британия	32,6	-	34,5	67,1
АҚШ	38,3	-	37,8	76,1
Россия	33,0	2,0	-	35,0
Саудия Арабистони	100,0	-	-	100,0
Европа Иттифоқи	47,0	-	-	57,6

Таҳлиллар кўрсатишича, жаҳон амалиётида жамғариладиган компонентлар билан қўллаб-қувватланаётган тақсимланувчи пенсия таъминоти тизимлари етакчи мавқега эга бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, миллий пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш тақсимланувчи ва жамғариб бориладиган пенсия элементларини ўзида мужассамлаштирилган аралаш пенсия тизимларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда.

АҚШда дунёда маълум бўлган пенсия таъминотининг ҳамма шакллари тақсимот, жамғарма, давлат, хусусий, жамоа ва индивидуал каби турлари бор. Кейинги 70 йил давомида пенсия таъминоти соҳасида Умумий

¹⁷Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.


федерал дастур – УФД (*Social Security*) деб аталадиган давлат тизими асосий ўринни эгаллаб келади. Бу тизим иқтисодиётнинг хусусий секторида банд бўлганларнинг 96% ошиғини қамрайди. 2001-2014 йилларда ижтимоий солиқлардан тушумлар Федерал бюджет даромадларининг 34%дан 42%гача бўлагини ташкил этган. Умумий қилиб айтганда ягона ижтимоий солиқдан тушумлар 1 трлн доллардан ошган ва бу ЯИМнинг 5,9%ни ташкил этган.¹⁸ 2005 йил январида давлат пенсиясининг ўртача миқдори ёлғиз пенсионер учун 955 АҚШ доллари, кекса эр-хотин учун 1574 АҚШ доллари даражасида бўлди. УФД, гарчи энг йирик пенсия тизими бўлсада, тақсимот услубиятидаги ягона пенсия тизимидир. Қолган барча давлат пенсия дастурлари – федерал ҳукумат хизматчиларини ҳам, штатлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ходимларини ҳам қамрайдиган, шунингдек хусусий пенсия планлари ҳам жамғарма тизимлари тарзида фаолият кўрсатади.

Кейинги 25 йил мобайнида айнан шу жамғарма пенсия тизимлари, биринчи навбатда иқтисодиётнинг хусусий секторида, илгарилама суръатларда ривожланди ва амалда миллий миқёсда иккинчи ўринда турадиган пенсия тизимига айланди. Бу жараён ҳам макроиқтисодиёт даражасида, ҳам алоҳида кишиларнинг иқтисодий фаоллиги даражасида муҳим ўзгаришларни яратди.

Макроиқтисодиёт даражасида бу жараён биринчи навбатда фонд бозорида қадри баланд қимматли қоғозларга, шунингдек иқтисодиётнинг реал секторига пенсия инвестицияларини жуда ўсишига олиб келди.

АҚШда хусусий пенсия таъминотининг уч тури бор. Биринчиси – иш жойи бўйича хусусий пенсия планлари (ХПП), иккинчиси – шахсий пенсия ҳисобварақлари (ШПХ), учинчиси – аннуитетлар (суғурта компаниялари ёрдамида жамғариладиган ва тўланадиган пенсиялар). Ҳамма хусусий пенсия тизимлари ихтиёрийлиги билан давлат пенсиясидан фарқ қилади. На тадбиркорлар, на ходимлар бундай планларни ташкил этиши ёки уларда қатнашиши шарт эмас.

¹⁸ OASDI Beneficiaries -2014 OASDI Trustees Report



2.1-расм. Америка Қўшма Штатлари пенсия тизимининг структураси¹⁹

Айни пайтда ҳар бир киши ўзининг тирикчилик аҳволига кўра нафақат биргина, балки иш жойи бўйича иккита ёки ундан кўп планларда қатнашиши, шунингдек ўз шахсий пенсия ҳисобварағини очиши мумкин. Шундай қилиб, америкаликларнинг кўпчилиги биргина (давлат пенсияси) эмас, балки икки-учта ва ундан кўп пенсия даромадлари манбаига эга бўлади. Хусусий пенсия планларига келадиган бўлсак, унинг асосий икки кўриниши бор: бири – пенсия тўловлари белгиланган планлар ва бадаллари белгиланган планлар. Тўловлари белгиланган планлар бошидан келишилган миқдорларда ойлик пенсия тўловларини кафолатлайди (бирон-бир миқдордаги долларда ёки (аксарият ҳолларда) бирон-бир формула кўринишида, масалан, фирмада охириги 5 йилда ишлаган вақтининг ҳар бир йили учун ўртача иш ҳақининг 1% миқдорида тўланади). Нафақат хусусий планлар, балки давлат пенсия тизимлари – ҳукуматнинг фуқаролардан бўлган хизматчиларини ҳамда ҳарбий хизматчиларни қамрайдиган федерал, шунингдек штатлар ва маҳаллий ҳокимият органларининг пенсия тизимлари тўловлари белгиланган планлар тарзида ташкил этилган.

Бадаллари белгиланган планлар, аксинча, тўловларнинг муайян миқдорини назарда тутмайди. Бу планларда пенсия тўловлари иш стажига

¹⁹ Joel Paula ва Raffaele Della Croce “The tax treatment of funded private pension plans” 2015 OESD.

ҳам, иш ҳақи миқдориға ҳам боғлиқ бўлмай, фақат жамғарма суммаси ҳисобга олинади. Бундай планлар шахслашган: ҳар бир план қатнашчиси ўз шахсий пенсия ҳисобварағига эга ва бадаллар ҳамда улардан келадиган инвестицион даромад шу ҳисобвараққа тушади. Фаолият кўрсатаётган кўпгина бундай планлар қатнашчилари турли инвестиция дастурларидан бирини танлашлари мумкин. Инвестиция дастурлари (ўртача 10 га қадар дастурлар)ни компания бошқарувчилари таклиф қиладилар. Шундай қилиб, пенсия тизими қатнашчилари ўзларининг келажақдаги пенсия даромадлари миқдорини муайян даражада ўзлари белгилайдилар. Бу планларда пенсия тўловлари шакллари ҳам турлича. Унинг асосан уч варианты бор: жами суммани бир йўла тўлаш (худди шу вариант тобора оммалашмоқда), умрбод аннуитет ва жами суммани пенсионернинг ўзи белгилайдиган муайян “умр охирига қадар” тенг қисмларга бўлиб-бўлиб тўлаш.

Тўловлари белгилаб қўйиладиган планлар деярли мутлақ тадбиркорлар томонидан молияланади, ходимлар бу планларга бадаллар тўламайдилар. Бадаллари белгилаб қўйилган планлар, одатда, ходимлар ва иш берувчилар билан ҳамкорликда молиялаштирилади. 20-асрнинг нақ 90-йилларига қадар ходимлар ва иш берувчиларнинг бадаллари тахминан тенг иккига бўлиниб, тенгма-тенг тўланган, аммо 90-йилларнинг иккинчи ярмидан, айниқса 401(к) планлари кўпайиб кетганидан кейин ходимлар ҳиссаси иш берувчилар ҳиссасидан анча ошиб кетди. Масалан, 1999 йилда бадаллари белгиланган планларга тадбиркорлар 67,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида бадал тўлаган бўлсалар, ходимлар 102,6 млрд. доллар тўладилар. Тўловлари белгиланган планлар дастлаб кўп тарқалган эди. Уларни биринчи навбатда йирик корпорациялар ўз корхоналарида ташкил этган эдилар. Ҳозир ҳам “General Motors”, “American Airlines”, “Intel” ва бошқа гигантлар бу турдаги планларга ҳомийлик қиладилар. 50 минг кишидан ортиқ қатнашчиси бўлган энг йирик планларни оладиган бўлсак, кўрамизки, ҳозир ҳам тўловлари белгиланган планларда (1999 йилда 13,1 млн. киши) бадаллари белгиланган планларга қараганда (1999 йилда 8,2 млн. киши)

кўпроқ кишилар қатнашмоқда. 90-йиллардан бошлаб хусусий пенсия тизимида 401(к) планлари чинакам фавқулодда ҳодисага айланди. Бу планлар ўз номини АҚШнинг Солиқ кодекси моддаси тартиб рақамидан олган. Бу кодекснинг ушбу моддасига кўра, ходимларнинг ўз иш жойида ташкил этиладиган белгиланган бадалли пенсия планлари доирасида ўзларининг шахсий пенсия ҳисобварақларига иш ҳақининг бир қисмини даромад солиғини тўлашга қадар ўтказишга рухсат берилади. Иш берувчиларнинг шу ҳисобларга ўтказадиган ихтиёрий бадаллари ҳам солиққа тортилмайди. Бу бадалларнинг миқдорий чегаралари анча кенг – одатда ходимлар бадалларининг 10% дан 100% гача боради, баъзан фойда ҳажмига боғлиқ бўлган формула кўринишида ҳисобланади. Ходимлар ўз бадалларига мутлақ эгалик ҳуқуқини уларни тўлаган заҳоти қўлга киритади, аммо ходимларнинг тадбиркор бадалларига тўла эгалик ҳуқуқини олишлари учун бу бадал ушбу планга ўтказилганидан кейин, одатда, 5–6 йил ўтиши керак.

Ёлланма ишчилар ва хизматчилар ушбу пенсия планида қатнашиш ёки қатнашмасликни, иш ҳақидан ўз пенсия ҳисобварағига қанча суммани ўтказишни, жамғармасини бу ҳисобварақдан бошқа планнинг ҳисобварағига ўтказишни, ва ниҳоят, пенсияга чиққанида жамғарилган даромадни қандай шаклда олишни ўзлари ҳал қилишлари лозим эди. Лекин энг муҳими – ходимлар доимо қатнашишлари зарур бўлган жараён – бу ўз ҳисобварақларини бошқариш, яъни жамғарилган маблағларни энг кўп фойда кўришни кўзлаб ва ишончли жойлаштириш имкониятининг мавжудлиги.

Даромад фонди (The income Fund). Бу фондни барқарор даромад фонди деб аташ ҳам мумкин эди. У жами фондлардан энг консервативи ва деярли 100% белгиланган даромадли қоғозлардан иборат [АҚШ ҳукуматининг қимматли қоғозлари, ипотека гаровлари, корпоратив облигациялар, кафолатланган инвестиция контрактлари (қўйилмаларнинг бу тури асосан муниципал облигацияларни солиққа тортишдан озод қилиш

билан боғлиқ операцияларга, аниқроғи бу облигациялардан келадиган даромадларга киради. Бу облигациялар ўз навбатида кафолатланган фоиз даромади билан жойлаштирилади), шунингдек қисқа муддатли қўйилмалар (масалан, нефтга тааллуқли фьючерслар) ва б.]. Бу бозор тебранишларидан энг ҳимояланган фонд, аммо унинг даромаддорлиги, энг камини олганда, хатари баландроқ фондларнинг потенциал даромаддорлигига қараганда икки марта паст. Бу ўринда шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, даромад даражасидаги 1% фарқ ҳам узоқ вақт давомида аниқ бир пенсионернинг пировард жамғармалари учун бир неча ўн минг долларни ташкил этиши мумкин.

Буюк Британия пенсия тизими.

Пенсия тизимида иштирок этиш ихтиёрий ва бадал тўлаш жихатдан эса йиллик лимитдан ташқари ихтиёрий иштирокчилар пенсия жамғармасига солиқ даромадларининг ўртача ставкасидан келиб чиққан ҳолда бадал тўлайдилар.

- Иш жойидаги пенсиялар: одатда ишберувчилар солиқларни тўлашдан олдин пенсия бадалларини ўтказиб беришга масъул.

- Шахсий пенсиялар шахслар пенсия бадалларини тўлашдан олдин ўзи ишлаб топган маблағлардан даромад солиғини тўлашга мажбур.

Буюк Британияда хусусий пенсия тизими 18 асрнинг бошларида пайдо бўла бошлаган ва кейинчалик давлат пенсия таъминотини жараёнли қисқартириш орқали хусусий пенсия тизимига кенг йўл очиб берилган.

Буюк Британия пенсия таъминоти жамоа ва хусусий пенсия тизимларидан иборат.

Жамоа пенсия тизими давлатнинг базавий пенсияси ва давлатнинг иккинчи даражали пенсиясидан иборат. Бу иккала схема ҳам фойдаланишдан олдин тўлаш керак ва тўлаганиздан ортиқ фойдалана олмайсиз (PAYG) тизимида ишлайди ва давлат томонидан бошқарилади. Базавий давлат пенсияси қатий белгиланган даромад билан таъминлайди.

сохавий пенсия схемалари	ихтиёрий шахсий
• сохавий пенсия дастурлари;	• шахсий пенсия дастурлари; • гуруҳ шахсий пенсия дастурлари; • гуруҳ бадалли пенсия дастурлари;

2.2-расм. Буюк Британия хусусий пенсия тизимининг структураси²⁰

Бу ишчилар ва ўз-ўзини иш билан таъминлайдиган(ўз бизнеси мавжуд шахсларга) ишчиларга бу тизимда иштирок этиш мажбурий. Иккинчи даражали давлат пенсияси 2002 йил апрелдан амалиётга жорий қилинган ва бу шахсий ва касбий пенсия схемаларида иштирок этмаётган ҳамма ишчиларга мажбурий бўлган. Иккинчи даражали давлат пенсияси аслида тўланган бадалдан келиб чиқиб пенсия билан таъминлайдиган тизим бўлишига қарамасдан 2007 йил апрелдан қатий белгиланган тўловларни ўрнатди сабаби аҳолини минимал ва юқори даромад билан таъминлаш мақсадида.

Буюк Британия хусусий пенсия тизими асосан касбий пенсия тизимидан иборат. Бунда бу пенсия тизими бир иш берувчи ёки иш берувчилар гуруҳи томонидан ўз ишчиларини пенсия ёшига етганда пенсия билан таъминлаш мақсадида ташкил этадилар. Касбий пенсия схемалари одатда уларни таъминлайдиган даромадга боғлиқ холда белгиланади. Буларнинг асосан 3 та тури мавжуд.

- даромад схемалари;
- бадалли схемаларини белгилаш;
- аралаш схема(даромад ва бадалли схемалари);

Даромад схемалари ананавий тарзда ишлатилган. Шунга қарамай, кейинчалик янги схемалар пайдо бўлгандан кейин ундан фойдаланиш камая бошлади унинг ўрнига бадал схемаларини белгилаш амал қила

²⁰ Joel Paula va Raffaele Della Croce “The tax treatment of funded private pension plans” 2015 OESD

бошлади. Касбий пенсия схемалари иш берувчилар томонидан ташкил этилиб, унда иштирок этиш ихтиёрий. Иш берувчилар ишчиларининг бошқа пенсия тизимларида иштирок этишга ҳомийлик қилиши мумкин.

Жамғарма пенсия схемалари ўз моҳиятига кўра узоқ муддатларга мўлжалланган, ана шундай ҳолдагина улар юқори самара беради. Бундан ташқари, қонунчиликда жамғариш жараёнидаги солиқ имтиёзлари кўп ҳолларда ҳисобварақлардан фақат пенсия ёшига етгандагина пул олиш шарти билан берилиши белгилаб қўйилган.

Аммо ҳозирги иқтисодий ҳаёт жуда ўзгарувчан, турли шароитларга қараб, масалан, иш жойи ўзгаришига қараб кишилар ўз пенсия планларини тез-тез ўзгартириб ёки қайта ташкил этиб турадилар, бу нарса айниқса кичик планлар қатнашчиларига кўпроқ хос. Шу сабабли инвестиция портфеллари ҳам турли муддатларга тузилади. Бу соҳада 5 йилгача муддатга қўйилма қисқа муддатли, 10 йилгача ўрта муддатли, 15 ва ундан ортиқ йилга узоқ муддатли ҳисобланади.

Ўз навбатида пенсия жамғармаларининг санаб ўтилган шакллари фойда бозори ўсишига, инвестицион фаолиятга, гуллаб яшнаётган кўпгина компанияларнинг ишлашига кучли тurtки беради ва бу билан иқтисодиётнинг умумий тараққиётига мададкор бўлади, яъни улар давлатга ҳам, жамиятга ҳам фойдали. Шахсий пенсия ҳисобварақлари Ходимларнинг пенсия даромадлари хавфсизлиги тўғрисида қонуни (1975 й.) билан жорий бўлган. Дастлаб бу қонун хусусий пенсия планлари билан қамраб олинмаган, ёлланма ишчилар ва хизматчилар учун муқобил тарзида жорий этилган бўлиб, иш берувчилар бундай пенсия планларини ташкил этмаган ва ходимларга таклиф этмаган ҳолларда қўлланилган.

Ҳозирги кунда хусусий пенсия тизимининг роли тобора ошиб бормоқда. Унинг иқтисодиётдаги тутган улуши ҳам сезиларли даражада катта. Бугунги кунда хусусий пенсия тизими амал қилаётган мамлакатларда давлат пенсия тизимларига нисбатан хусусий пенсия тизимларининг ЯИМдаги улуши каттароқ.

Арманистон Республикасида пенсия ислохотлари куйидаги йўналишларида олиб борилади. 1999 йил 2 декабрда Арманистон ҳукумати томонидан “Пенсия таъминотининг асосий стратегик қоидалари” тасдиқланди. Пенсия ислохотнинг асосий мақсадлари сифатида куйидаги масалалар белгиланди:

- пенсияларни тўлашга йўналтирилган маблағлар самарадорлигини ошириш ва уларни қайта тақсимлаш;
- мажбурий пенсия суғуртаси тизимини ривожлантириш;
- ихтиёрий пенсия суғуртасини жорий этиш.

Янги пенсия таъминоти тизимига ўтиш даврида меҳнат пенсияси уч қисмдан иборат. Талаб қилинадиган суғурта стажига эга бўлган шахсларга давлат томонидан кафолатланган таянч пенсия. Бундай тизимда меҳнат пенсияси камида 5 йиллик иш стажига эга бўлганларга тайинланади. Суғурта стажининг якка (шахсий) тартибда ҳисобга олиш тизими жорий этилгунга қадар ҳар йили учун қўшимча тўловлар. Якка тартибдаги ҳисобварақлари жорий этилгандан сўнг ҳар бир суғурталанувчининг шахсий хиссасига қараб ҳисобланадиган суғурта пенсияси, яъни бу пенсия жамғарилган суғурта бадалларини ва пенсия олиш ҳуқуқини қўлга киритиш вақтида тахминий ўртача умр кўриш муддатини ҳисобга олган ҳолда тайинланади.


Дунё мамлакатларида хусусий пенсия фондлар фаолиятини кўрадиган бўлсак унда молиявий-иқтисодий тебранишлар бўлиб туради. Энг катта тебранишлардан бири 2008 йил жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз даврида бўлиб ўтди. Бу инқироз дунё бўйлаб мамлакатларнинг нафақат иқтисодига, балки пенсия фондларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Буни Канада ва АҚШ мамлакатлар тимсолида кўрамыз.

Канада пенсия фондлари активлари канадаликлар учун даромад манбаи ҳисобланса, жаҳон иқтисодиётида мазкур фондлар активлари инвестицион капитал сифатида эътироф этилади. Канада пенсия таъминоти тизими Канада молия тизими жами капиталининг қарийб 15 фоизи ёки 1,5

трлн. доллар улушига эгалик қилади. Канада пенсия таъминоти тизимида фаолият олиб бораётган пенсия фондлари, хусусан йирик пенсия фондлари ҳисобланган катта саккизлик пенсия фондлари мамлакат ички иқтисодиётида пенсия фондлари инвестицион капиталининг 2/3 қисмига эгалик қилиб, улар 1 трлн. доллардан зиёд инвестицион маблағга эга бўлган фондлар ҳисобланади. Мазкур фондларнинг мамлакат иқтисодиётига узок муддатли инвестицияларни киритиш стратегиясини амалга оширишдаги ўрни бекиёс бўлиб, улар инвестицион бозорда ҳам муҳим аҳамият касб этадилар. Катта саккизлик фондларига қуйидагилар киради: the Canada Pension Plan Investment Board (CPPIB), Caisse de dépôt et placement du Québec (CDPQ), the Ontario Teachers' Pension Plan (OTPP), the British Columbia Investment Management Corporation (bcIMC), the Public Sector Pension Investment Board (PSPiB), the Alberta Investment Management Corporation (AIMCo), Ontario Municipal Employees Retirement System (OMERS) ва the Healthcare of Ontario Pension Plan (HOOPP). Катта саккизлик қаторига кирган ушбу фондларнинг инвестицион активлари ҳажми 64 млрд. доллардан 265 млрд. долларгача бўлган миқдорда шаклланган. Ушбу фондларнинг барчаси дунёдаги катта пенсия фондлари 100 талиги ва уларнинг учтаси катта 20 талик қаторигакиради⁸⁵.

2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг катта саккизлик қаторига кирган пенсия фондлари активлари ҳажмида 2009 йилга келиб бироз пасайиш ҳолати кузатилди. Мазкур ҳолат ривожланган мамлакатларда вужудга келган ишсизлик, иқтисодий беқарорлик ва ўз ўрнида пенсия фондларига суғурта бадаллари оқимининг қисқариши билан бир қаторда, улар харажатларининг ортиб кэтиши билан ифодаланади. Ушбу вазиятнинг олдини олиш мақсадида пенсия фондлари ўзлари эгалик қилаётган активлар устидан йиллик назоратни ўрнатдилар. Бунга кўра, улар пенсия фондлари даромадлари ва харажатлари, жумладан, инвестицион капиталнинг мақсадли йўналтирилишини кучли назорат остига олдилар.

Натижада, 2015 йил охирига келиб уларнинг инвестицион активлари ҳажми 1,5 трлн. канада долларига тенг бўлди(расм).




2.3-расм. Канада катта саккизлик пенсия фондларининг инвестицион апитали ҳажми²¹

Канада пенсия фондларининг катта ҳажмдаги инвестицион активларини кўчмас мулк, инфраструктура объектлари ва давлат миқёсидаги инвестицион дастурларга йўналтиришига сабаб, 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий- иқтисодий инқироzi ҳисобланади, улар ушбу фаолият орқали ўз даромадлари ликвидлилиги даражасини ортишига эришдилар. Сўнгги 10 йил мобайнида Канада пенсия фондларининг ўртача ривожланиш кўрсаткичи 6 фоиздан кам суръатларда бўлмади. Сўнгги уч йилда мазкур кўрсаткич 8 фоизни қайд этди.

Ривожланган мамлакатларда пенсия фондлари йирик инвестицион институтлар қаторига киради. Жумладан, АҚШ пенсия фондларининг инвестицион дастурларга йўналтирилган активлари ҳажми 2014 йил охирига келиб 14,7 трлн. долларни ташкил этди. Инвестицион активларнинг

²¹ John white “Funds’ latest annual reports and Bank of Canada calculations”/ Last observations: 31 March and 31 December 2015

ортишига сабаб – XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига келиб АҚШда хусусий пенсия фондлари фаолияти жадаллик билан ривожлана борди. Ҳозирда мамлакатда 700 мингга яқин пенсия фондлари хусусий дастурлар асосида фаолият юритиб, меҳнат бозорида банд бўлган ишчи кучининг қарийб 50 фоизига хизмат кўрсатиб келмоқда.



2.4-расм. АҚШ пенсия фондлари активлари ҳажми динамикаси (ЯИМга нисбатан фоиз ҳисобида)²²

2005 йилда АҚШ пенсия фондлари активлари ҳажми ЯИМга нисбатан 95 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда вужудга келган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг пенсия фондлари фаолиятига салбий таъсири натижасида 59,6 фоизга тушиб кетди. 2011 йилга келиб мазкур кўрсаткич 71,8 фоиз, 2013 йилда 83,0 фоиз ва 2015 йилда эса 121 фоизга тенг бўлганини кузатишимиз мумкин.

АҚШ пенсия фондлари даромадлари ҳажмининг оширишга қаратилган пенсия фондларининг ҳар ўн йилга мўлжалланган стратегиялари қабул қилиниб келинмоқда. Мазкур стратегияларни қабул қилиш ва уларни амалга ошириш чора-тадбирларига мамлакатда 2008 йилда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози сабаб бўлди. Мамлакатда ҳозирда пенсия фондлари томонидан 2011-2020 йилларга мўлжалланган пенсия даромадлар даражасини оширишга қаратилган стратегияси амалга оширилмоқда.

²² Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from [https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement 15.pdf](https://www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement%2015.pdf) // Lebedova L.F. US Pension System in XXI Century. Financial-Economic Destability Risks. USA * Canada, 2014, - № 3, p. 22-30 // Wills Towers Watson and secondary sources. P. 7 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2.2. Хусусий пенсия фондларининг маблағларини шакллантириш ва тўловларни амалга ошириш ҳолати таҳлили

Жаҳон тажрибасида пенсия таъминотини молиялаштириш механизмининг уч хил тури кўп учрайди.

1. Барча мамлакатларда кенг тарқалган бюджет даромадлардан молиялаштириладиган давлат пенсия таъминотини амалга ошириш.

2. Ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларни амалга ошириш.

3. Иқтисодий инқироз, инфляция, жамғармаларни йўқотишдан ва жамғармани кадрсизланишга олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя қиладиган суғурта тизимини ривожлантириш.

Пенсия маблағларини тизимли инвестиция қилиш билан молиявий институтлар инвестиция даромадларига эга бўлади. Капитал ёки йиғилган пенсия бадаллари суммаси уларни инвестиция қилишдан олинган даромад пенсия фонди фаолияти харажатлари, натижасида капиталлашган пенсиянинг молиявий манбасидир. Авлодлар бирдамлиги асосида қурилган таксимот модели ва капиталлашган модел суғурта тамойилига асосланади. Капиталлашган модел “Чили модели” номи билан халқаро миқёсда машҳур бўлди.

Капиталлашган пенсия модели давлат пенсиясига Караганда ўртача 30 фоизга юқори бўлган пенсия миқдорини таъминлайди. 2000 йилда хусусий пенсия фондларининг жами активлари суммаси ЯИМга нисбатан 40 фоизни ташкил этди, 2020 йилга бориб эса бу даража 130 фоизга этиши мумкин. Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, аҳолини кредитлашга энг кўп қизиқувчан муассасалари кредит - молия институтлари ҳисобланади. Булар - хусусий пенсия жамғармалари, ссуда-жамғарма уюшмалари, кредит иттифоқларидир. Махсус кредит институтларининг бир қисми иқтисодиёт ва хўжалик фаолиятининг муайян соҳасини ёки аҳолининг муайян табақасини молиялаштириш билан шуғулланади. Яъни маблағларни

омонатга жалб этади, қимматли қоғозларни чиқаради, суғурта полисларини сотади, шу каби йўллар билан фаолият кўрсатади. Хусусий пенсия жамғармалари ссуда сармоялари бозорида, қимматли қоғозлар бозорида, кредит-молия тизимида муҳим замонавий ҳодисадир. Хусусий пенсия жамғармалари имкониятларининг моҳияти омонатчиларнинг маблағларини тўплаш, сақлаш, кўпайтириш, пенсия тўловларини таъминлаш ҳисобланади. Фондлар активларининг асосини қимматли қоғозлар билан бўлган операциялар ташкил этади. Жамғариладиган Пенсия фондлари активларининг асосини қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ташкил этади. Хусусий пенсия фондлари пул маблағларини узоқ муддатга жойлайди, хусусий ва давлат қимматли қоғозларини сотиб олади. Хусусий пенсия фонди пассив операциялари асосини корпорация ва корхоналардан келадиган ресурслар ташкил этади, тушумнинг 20-30 фоизи ишчи ва хизматчилар бадалларидан иборат. Экспертларнинг ҳисоб-китоби бўйича қимматли қоғозлардан олинадиган даромадларнинг бир фоиз ошиши тўланадиган пенсиялар миқдорини бир неча фоиз оширишга имкон беради. Бошқача қилиб айтганда, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун ажратилган маблағлар ўша қимматли қоғозларни ҳозирги реал қиймати бўйича сотилгандан сўнг фуқароларга пенсия кўринишида қайтарилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси учун узоқ муддатли сармоя этишмаслиги ва унга кескин эҳтиёж мавжуд шароитда хусусий пенсия фондлари биринчидан, узоқ муддатли кредитлаш фондларини ошириш имконини берса, иккинчидан, бундай тузилмаларнинг яратилиши бюджетнинг ижтимоий таъминот харажатларини камайтириш имконини беради.

Дунёда кўплаб мамлакатларда хусусий пенсия тизимларинида йиғилган маблағларни турлича йўналишда инвестиция қилишади. Буни бир неча мамлакатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Юқорида Чили мамлакати хусусий пенсия тизимининг энг замонавий тараққий этган тизимини жорий қилган биринчи мамлакат эканлигини

такидлаб ўтдик ва унда йиғилган маблағлар бу тизимда иштирок этаётганларнинг хошишига биноан 5 та (А-Е) мултифонддан бирига йиғилиши ва бу фондлар бир-биридан рисклик даражаси билан фарқ қилинишини айтиб ўтдик. Бу фондларда инвестицияларга йўналтириш қуйидагича(2.3-жадвал)

2.3-жадвал

Чили мамлакати хусусий пенсия тизими таркибидаги мултифондларга йиғилган маблағларнинг инвестицияга йўналтирилиши²³

Мултифонлар	Инвестиция миқдори (%)	
	Минимум	Максимум
А	40	80
В	25	60
С	15	40
Д	5	20
Е	Асосан даромадли инструментларга йўналтирилади	

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки энг юқори фоиз А мултифондига тўғри келяди ва минимум қиймати 40 фоизни ва максимум қиймати 80 фоизни ташкил қилган. В, С ва Д мултифондлари ўз навбатида минимум қийматлари 25, 15, 5 фоизни ва максимум қийматлари 60, 40, 20 фоиз миқдорлари жихатидан изчилликда жойлашган. Е мултифондида йиғилган маблағлар асосан даромадли инструментларга йўналтирилади ва бу мултифонддан қанча миқдорларда маблағ сарфланиши келтирилмаган. Бу мултифондларнинг қайси соҳага ва қанча миқдорларда маблағ сарфланиши жихатидан кўриб чиқсак. Бу қуйидаги жадвалда келтирилган. (2.4-жадвал)

²³ Waldo Tapia “description of private pension system” OECD publishing 2008 y.
50

2.4-жадвал

Чили хусусий пенсия тизимида инвестиция бошқаруви 2013 й²⁴

Активлар туркуми	Фонд А	Фонд В	Фонд С	Фонд D	Фонд Е
Давлат қимматли қоғозларига	40%	40%	50%	70%	80%
Муддатли депозит, вексел ва бошқа молиявий инструментларга	40%	40%	50%	70%	80%
Кредитлар	40%	40%	50%	60%	70%
Жамоа ва хусусий компанияларнинг векселларига	30%	30%	40%	50%	60%
Акцияларга алмаштириладиган векселлар	чегарасиз	Чегарасиз	10%	5%	Чегарасиз
Очиқ акциялар ва мол-мулк акциялари	60%	50%	30%	15%	чегарасиз
Инветиция ва акционерлик жамиятлари	40%	30%	20%	10%	Чегарасиз
Акциянерлик жамиятлари (чегараланган)	5%	5%	5%	5%	Чегарасиз
Тижорат қоғозлари	10%	10%	10%	20%	30%
Чет-эл мамлакатлари чиқарилиши	20%-30%				
Ва бошқалар	1%-5%	1%	5%	1%	5%

Жадвал маълумотларидан кўринадики А мултифонди энг паст рискли мултифонд. В, С ва D мултифондлари ўсиб боровчи рискли мултифондлар

²⁴ Интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди

ҳисобланади. Ҳ мултифонди энг катта рискли мултифондлигини кўришимиз мумкин.

Кейинги ўринда Мустақил Мамлакатлар Ҳамўстлиги таркибида бўлган Қозоғистон пенсия тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, Қозоғистонда хусусий пенсия тизими 1998 йил 1-январдан жорий қилинган ва бу тизим махсус жамғарма орқали бошқарилади. Бу тизимда иштирок этиш энди ишга кираётганлар ишчилар учун мажбурий қилиб қўйилган. Ўз-ўзини бошқарадиган тадбиркорлар ёки ишламайдиганлар учун бу тизимда иштирок этиш ихтиёрий қилинган. Бадаллар йиғилиши: ишчилар маошидан 10 % ўтказиш мажбурий ва ундан ташқари бадал тўлаш ихтиёрий. Йиғилган бадаллар инвестицияга йўналтирилиши қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.(2.5-жадвал)

2.5-жадвал


Қозоғистон хусусий пенсия тизимидаги инвестиция бошқаруви²⁵

Активларнинг туркумланиши	2004 йил	2005 йил
Давлат қимматбаҳо қоғозлари ва миллий банк депозитларига	Мин 25%	Мин 25%
Шаҳар бошқарувига қарашли қимматбаҳо қоғозлари	5%	5%
Маҳаллий давлат ташкилотлари қимматбаҳо қоғозлари	5%-50%	5%-50%
Маҳаллий банклар депозитига	15%	20%
Чет-эл давлатлари ва чет-эл нодавлат ташкилотлари қимматбаҳо қоғозларига	10%-40%	10%-40%
Маҳаллий ташкилотларнинг гаровга қўйилган векселларига	20%	20%
Маҳаллий ташкилотларнинг инфраструктуравий векселларига	10%	15%
Қозоғистон ривожлантириш банки векселларига	15%	15%

Тадқиқод натижаларидан маълум бўлдики, пенсия тизимини фақат давлат томонидан молиялаштириш етарли самара бермайди. Ҳозирги кунда пенсия тизимини молиялаштиришнинг бир вақтнинг ўзида уч йўналиш:

²⁵Waldo Tapia “description of private pension system” OECD publishing 2008 y.

минимал пенсияъни кафолатлайдиган давлат пенсия тизими, профессионал ассоциация ёрдамида ўзининг иш берувчиларига қўшимча пенсияъни шакллантириш, фуқаролар имкониятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида,хусусий пенсияъни таъминлаш белгиланган. АҚШ, Голландия, Буюк Британия, Германия бу тизимдан фойдаланалади. Пенсия таъминотининг хусусийлаштириш дастури иқтисодиётга инвестицияларнинг ички имкониятларини тақдим этади. Айнан, молия соҳасида пенсия ислохотларига эҳтиёж ва иқтисодий ислохотларнинг кенгайтирилган соҳаси кесишади. Капитал бозори ривожланиши, пенсия фондлари пулларини инвестиция қадрсизган молиявий дастакларини тақдим этиш учун жуда муҳим. Шу тарзда иқтисодиётга инвестицияларни йўналтириш жараёнида давлат, жамғарилган ва хусусий пенсия таъминотини молиялаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.



2.5-расм. Ривожланган давлатларда нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг жами активларга нисбатан улуши (фоизда)²⁶

Қуйидаги диаграмма орқали эса биз, нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг жами активларга нисбатан улушини кўришимиз мумкин. Унга кўра, АҚШда нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг

²⁶Pensions at Glance; Social Programs throughout the World

жами активларга нисбатан улуши 11%, Буюк Британияда нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг жами активларга нисбатан улуши 11%, Австралияда нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг жами активларга нисбатан улуши 6%, Голландияда нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг жами активларга нисбатан улуши 6%, Япония ва Канадада эса нодавлат Пенсия жамғармалари активларининг жами активларга нисбатан улуши 5% эканлигини кўришимиз мумкин.

Европа Иттифоқи мамлакатларида суғуртавий пенсия таъминоти тизими қуйидаги тамойиллар асосида шаклланди:

- иқтисодий фаол аҳолини суғурталаш;
- пенсия тўловларини ишчилар ва суғурталанганларнинг суғурта бадаллари ҳисобидан молиялаштириш;
- амалга оширилаётган пенсия тўловларининг суғурталанувчининг аввалги даромадлари ва суғурта стажига боғлиқлиги.

Ушбу механизмдан Европанинг Германия, Франция, Италия, Испания ва Греция каби мамлакатларида кенг фойдаланилди.

Мазкур мамлакатларда пенсия таъминоти тизими ягона концепция асосида фаолият юритса-да, уларнинг баъзи фарқли жиҳатлари мавжуд. Хусусан, молиялаштириш, ташкилий тузилма ва функционал вазифалари шулар жумласидандир. Шу боисдан, суғуртавий пенсия модели Европа Иттифоқи мамлакатларида аралаш шаклларда намоён бўлади. Масалан, тақсимлаш (мажбурий суғурта пенсияси), қўшимча пенсия дастурлари (Франция ва Испания) тақсимот пенсия тизими шаклида амалга ошади, тўловларни капитал қўйилмаларга йўналтириш (Нидерландия).

Моҳиятан бир-биридан фарқли тарзда юзага келган бўлса-да, лекин амалиётда улар ўзаро аралаш ҳолда ҳам амал қилади. Европа Иттифоқи мамлакатларида тизимда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ушбу икки моделнинг интеграциясини кузатиш мумкин. Жумладан, бир қатор мамлакатларда универсал пенсия таъминоти тизимлари вужудга

келиб, амалга ошаётган туб иқтисодий ўзгаришлар суғуртавий пенсия таъминотининг юзага келишига имкон бермоқда. Қўшимча пенсия таъминоти тизимининг мажбурий (Буюк Британия) шакли жорий этилиши кабилар бунга мисол бўлади.

2.6-жадвал

Давлат ва хусусий пенсия жамғармалари захира жамғармаларининг давлат ЯИМ га нисбатан улуши²⁷

Давлатлар	Хусусий жамғармалар		Давлат пенсия жамғармалари	
	ЯИМ даги улуши	Млн. АҚШ доллар	ЯИМ даги улуши	Млн. АҚШ доллар
Австралия	102,2	1 440 898	6,1	85 597
Галландия	148,7	1 335 092	X	X
АҚШ	83,2	13 946 142	16,5	2 764 431
Канада	70,8	1 260 157	17,2	307 370
Чили	62,3	162 988	2,8	7 335
Швейцария	113,4	807 893	X	X
Филландия	48,7	135 651	27,0	75 211
Франция	0,4	11 860	2,5	71 575
Германия	6,1	236 932	X	X
Буюк Британия	99,6	2 810 564	X	X
Исландия	141,2	22 986	X	X
Ирландия	52,3	126 188	X	X
Исроил	50,5	152 679	X	X
Италия	6,0	132 168	X	X
Япония	29,2	1 331 231	26,8	1 223 863
Корея	6,0	81 555	29,9	404 543

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкунки ривожланган давлатларда хусусий жамғармалар улуши давлат жамғармаларидан анча кўп. Масалан Австралияда Хусусий жамғармаларнинг ЯИМ даги улуши

²⁷ Pensions at Glance; Social Programs throughout the World

102% яъни 1 440 898 млн. АҚШ доллар. Давлат пенсия жамғармаларининг эса ЯИМ даги улуши 6,1% бу дегани 85 597 млн. АҚШ доллар.

Голландияда эса бу кўрсаткич хусусий жамғармалар ЯИМнинг 148% миқдорини ташкил этади, давлат пенсия жамғармалари эса йўқ. АҚШда хусусий пенсия жамғармалари ЯИМнинг 83%ни ташкил этади, давлат пенсияси эса 165% ни ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Канада хусусий жамғармалар ЯИМнинг 70% ни давлат пенсияси эса 17% ни ташкил этмоқда. Чилида эса хусусий жамғармалар ЯИМнинг 62% ни давлат пенсияси эса атиги 3% ни ташкил этмоқда. Филандияда хусусий пенсия жамғармалари ЯИМнинг 48%ни давлат пенсиялари эса 27% ни ташкил этаётганини кўришимиз мумкин. Францияда бу кўрсаткич аксинча уларда давлат пенсиясинин улушу хусусий жамғармаларникига қараганда кўпроқ, яъни хусусий жамғармаларнинг ЯИМдаги улуши 0,4%, давлат пенсияси эса 2,5% ни ташкил этади. Германия, Буюк Британия, Исландия, Ирландия. Исроил ва Италия каби давлатларда давлат пенсиялари мавжуд эмас, аксинча уларда хусусий пенсия жамғармалари муҳим рўл ўйнайди. Японияда хусусий жамғармаларни ЯИМдаги улуши 29%, давлат пенсияси эса 26% ни ташкил этмоқда. Кореяда эса хусусий жамғармаларнинг ЯИМдаги улуши 6% ни ташкил этса давлат пенсияси эса салкам 30% ни ташкил этмоқда. Бундан шундай хулоса қилишимиз мумкунки, Франция ҳамда Корея мамалакатларида ҳали ҳамон давлат пенсияси хусусий жамғармаларга нисбатан устунлик қилмоқда.

Жаҳон тажрибасида ҳеч бир давлатда тўлиқ жамғариладиган ёки тақсимланадиган пенсия таъминоти мавжуд эмас. Қайд этиш лозимки, барча пенсионерларнинг яшаш минимумини таъминлашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш натижасида пенсия таъминотининг умумийликка эга бўлаётганлигини кўрамыз.

Умуман олганда, жаҳон тажрибасида пенсия таъминоти тизими назарий жиҳатдан икки йирик гуруҳга ажратилади :

1. Ўрнатилган тўлов тизими (Defined Benefit - DB).

2. Ўрнатилган бадал тизими (Defined Contribution - DC).

Ўрнатилган тўлов тизимида пенсия таъминоти иштирокчилари муайян ҳажмдаги пенсия ва нафақалар билан таъминланиши кафолатланади. Мазкур ҳолатда тўлов миқдори актуар ҳисоблар ёрдамида охириги йилдаги меҳнат фаолияти учун иш ҳақлари ва олдинги стажи асосида ҳисобланади. Пенсия тўлови пенсионернинг умри давомида аннуитет шаклда амалга оширилиб борилади.


Ўрнатилган бадал тизимида пенсия тўловининг миқдори олдинги тўланган бадалларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Бу борада, ушбу турдаги пенсия фондининг маблағларидан инвестицион фаолият ёрдамида олинган даромадлар ҳам пенсия миқдорини ошириши мумкин ёки аксинча. Мазкур тизимда ҳар бир иштирокчи алоҳида ҳисобрақамга эга бўлади ва унда бадаллар жамғариб борилади. Ушбу тизимнинг фарқли хусусиятларидан бири пенсия тўловларини олишда рискнинг мавжудлигидир.

2.3. Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Республикада фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизими амалиётга жорий қилинди, жамғариб бориладиган пенсия таъминоти иқтисодий фаол аҳолининг иш жойи, меҳнатга лаёқати ва даромадини йўқотиш билан боғлиқ турли ҳодисалардан ижтимоий ҳимоялаш шакли ҳисобланади. “Жамғариб бориладиган пенсия тизими” молиявий категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларни шакллантириш ва кексалик чоғида фойдаланишнинг шакл ва усуллари йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига

эга²⁸. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига 2 хил аъзо бўлиш мумкин:




2.6-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок

этиш²⁹

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонун 2004 йил 21-декабрда қабул қилинган бу қонуннинг мақсади - фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларини тартибга солишдан иборат. Давлатнинг назорати асосида иш берувчилар ва ишловчиларнинг мақсадли бадалларидан шаклланивчи махсус бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалардан пенсияларни молиялаштирилиши жамғариб бориладиган пенсия тизимининг хусусиятли жиҳатидир. “Жамғариб бориладиган пенсия” категория сифатида пул маблағларининг мақсадли фондларини шакллантириб, кексалик чоғида фойдаланиш шакл ва усулларини йиғиндисини ўз ичига олган иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонуни 02.12.2004 йил.Н702- II 5-модда

²⁹ Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” ги Қонуни 02.12.2004 йил.Н702- II 6-модда



2.7-расм.Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши³⁰


Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. “Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти- фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларидан давлат пенсиясига қўшимча пул маблағлари билан таъминлашдир. Жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари-шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари ҳисобланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиланадиган, доимий шахсий тартиб рақамли жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақалари очилади.”³¹

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланмайди. Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин

³⁰ Касимова Г.А Каримова З.Х “Бюджетдан ташкари фондлар” Ўқув қўлланма –Т “Иқтисод-молия” 2009.212-бет

³¹ “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Конун 2004-йил 2-декабр



2.8-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тизими иштирокчилари механизми³²

Фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар: меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида хабар қилишлари шарт. Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи — фуқаронинг Ҳалқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал юритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўйилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

Ҳалқ банки жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олади. Фуқароларнинг

³² Мавжуд маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишланди.

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Ҳалқ банки оладиган маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

- Ҳалқ банки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

- жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

- жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул қадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳар ойда уларга ҳисобланган иш ҳақининг бир фоизи миқдорида бадал белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги “Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, фуқароларнинг шахсий жамғариб

бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий пенсия бадаллари бюджетга тўланадиган солиқлар ва йиғимларга тенглаштирилган. 2005 йилнинг 1 июлидан эътиборан барча юридик шахслар фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни жисмоний шахсларнинг даромад солиғи билан биргаликда мазкур солиқ учун белгиланган шакл ва муддатларда амалга ошириш тартиби жорий этилди. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўланиши натижасида ишлаётган фуқаролар учун иш ҳақидан (даромадидан) ҳеч қанақа йўқотиш бўлмайди. Ишловчи фуқаронинг шахсий ҳисобварағига ўтказиб берилаётган ҳар ойлик пенсия мажбурий бадаллари ушбу ходимнинг даромадига қонунда белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан чегириб қолинади. Мисол учун, корхонада ишловчи ходимга 2016 йил январь ойи учун 500,0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланса, бу ҳолда жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари миқдори 5000 сўмни ташкил этади ва ушбу миқдор ходимнинг даромадидан ҳисобланган 65238,5 сўм даромад солиқ суммасидан чегирилиб, фуқаронинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағига ўтказилади. Натижада ишловчи фуқаронинг нақд пулда олаётган ойлик маоши миқдори ҳеч қанча камаймайди.

“Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда қатнашаётган фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш иш берувчи томонидан иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банкининг филиалида амалга оширилиши белгиланди. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобда турмаган (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлмаган) ходимни ишга қабул қилишда, иш берувчи иш бошланган кундан бошлаб беш кун муддатда Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун ишга қабул қилинган ходимнинг шахсий маълумотлари кўрсатилган сўровномани юбориши (тақдим этиши) лозим.”

Ҳар бир иш берувчи ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача ҳар ойда белгиланган шакл бўйича шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этаётган ходимлар реестрини жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базаси форматида электрон ҳужжат сифатида шакллантириши, иш берувчи солиқ рўйхатига олинган жойдаги Халқ банки филиалига электрон манбаларда тақдим этиши ёки уни интерактив давлат хизматлари ягона порталидаги шахсий “тадбиркорлик субъекти кабинети” ёхуд интернет тармоғининг реестрни юбориш имконини берувчи бошқа сайтлари орқали бевосита жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига юбориши шартлиги белгилаб қўйилди.

Реестр ва электрон тўлов ҳужжатининг якуний қаторида кўрсатилган бадаллар суммаси, шунингдек, реестрнинг ҳар бир қатори ва ҳар бир устуни бўйича якунлар тафовути бўлмаганда, реестрнинг маълумотлари Халқ банкининг жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона электрон маълумотлар базасига киритилади. Реестрни жамғариб бориладиган пенсия тизими ягона маълумотлар электрон базасига киритиш жараёнида хатолар ва тафовутлар аниқланган тақдирда ушбу реестр қабул қилинмайди ва автоматик режимда хатоларни тузатиши ёки тафовутларни бартараф этиш учун иш берувчига қайтарилади. Агар ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-кунигача иш берувчи реестрга тузатиш киритиш чораларини кўрмаса, Халқ банки филиали бу ҳақда давлат солиқ хизматининг тегишли ҳудудий органига чора кўриш учун хабар юборади.


Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағлар учун ҳисобланган фоизлар ҳамда бу маблағлар ҳисобига берилган пенсиялар солиқ тўлашдан озод қилинади. Шу билан бирга, Солиқ кодексига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтирилган суммаларига солиқ солинмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларида тўпланган пул маблағлари фақат ана шу ҳисоб эгалари бўлган фуқароларга тегишлидир. Уларнинг ўзлари, ишонч билдирган бошқа шахслар ёки меросхўрлардан бошқа ҳеч ким пул маблағини олиш ҳуқуқига эга эмас.

Фуқаролар шахсий жамғарма пенсия маблағларини олишлари давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлинган пайтдан бошлаб бир вақтда ёки ойма-ой тенг улушларда олишлари мумкин, унинг шакли олувчи томонидан белгиланади. Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фуқаролар уз жамғармаларини Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди. Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларининг сақланиши ва тўланиши Давлат томонидан кафолатланади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида тўпланган маблағларга даромад ҳисоблаш фоизи инфляция даражасида юқори бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Жамғариб бориладиган пенсия таъминотини амалга оширувчи Халқ банкининг сўнгги йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари барқарор суръатларни қайд этмоқда. Жумладан, 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига Халқ банкининг кредит қўйилмалари ҳажми 1 трлн. 883 млрд. сўмни ташкил қилди. 2015 йилда банк томонидан 12109 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига 1 трлн. 6,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, 2014 йилга нисбатан 134,8 фоизга ўсиши таъминланди. Жумладан, 7 581 та тадбиркорга ажратилган микрокредитлар ҳажми 305,9 млрд. сўмни ташкил

қилиб, 2014 йилга нисбатан 1,4 баробарга ёки 138 фоизга ўсиши таъминланди.



2.9-расм. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари³³

Ҳар бир шахс меҳнат қилиб дам олиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва адолатсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, ҳар бир ходим ўз меҳнати учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш, муддати белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек, ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار бериш орқали таъминланадиган дам олиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Ҳисобварақ эгаси вафот этган ҳолда унда тўпланган бадаллар қонунда белгиланган тартибда меросхўрга ўтади. Бунда мерос қолган маблағ бир вақтда тўла ҳажмда тўланади. Шунингдек, мамлакатдан ташқарига кўчиб кетадиган фуқаролар ўз жамғармаларини бирданига олишлари мумкин.

³³ “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддаси 02.12.2004

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

- бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

- давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда. Ахборот ресурслари иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири давлат молиясини бошқариш соҳасида ҳам катта аҳамият касб этади.

II-боб бўйича хулоса

Тадқиқодлар натижасида иккинчи боб бўйича қуйидаги хулосалар олинди.

1. Ривожланган мамлакатлар пенсия тизимлари таҳлил қилинди. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Арманистон республикалари пенсия тизимлари таҳлил қилинди ва бу мамлакатларда қандай пенсия тизимлари амалдалиги ва қай тартибда ишлаши кўриб чиқилди.

2. Ривожланган мамлакатларда пенсия таъминотида, хусусан, нодавлат пенсия таъминотида маблағларнинг йиғилиши ва йиғилган маблағлардан фойдаланиш тартиби ва бундан ташқари бу маблағларнинг тўланиш тартиблари кўриб чиқилган.

3. Жаҳон тажрибасида пенсия таъминотини молиялаштириш механизмининг уч хил тури кўп учрайди.

- Барча мамлакатларда кенг тарқалган бюджет даромадлардан молиялаштириладиган давлат пенсия таъминотини амалга ошириш.

- Ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларни амалга ошириш.

- Иқтисодий инқироз, инфляция, жамғармаларни йўқотишдан ва жамғармани кадрсизланишга олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя қиладиган суғурта тизимини ривожлантириш.

4. Ўзбекистон Республикаси жамғариб бориладиган пенсия тизими таҳлили унда асосан у қачон амалга татбиқ қилингани ва бу пенсия тизимини амалга татбиқ этишдан асосий мақсад, бу пенсия тизимининг ишлаш механизми: қандай тартибда аъзо бўлиш ва кимлар бу пенсия тизмида иштирок этиши мумкинлиги ва кимлар учун мажбурий ва кимлар учун ихтиёрийлиги, бадаллар йиғилиши, йиғилган бадалларга қандай тартибда фоиз ҳисобланиши, бундан ташқари қачон ва қай тартибда маблағларнинг тўланиши ва тўловларнинг тўхтатилиш жараёнлари кўриб чиқилган.

III-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХУСУСИЙ ПЕНСИЯ ФОНДЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Ривожланган мамлакатлардаги хусусий пенсия фондларининг илғор тажрибаларини Ўзбекистон Республикасига татбиқ этиш хусусиятлари

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш механизми яратилиб, аҳолини манзилли ҳимоялаш тизимига босқичма-босқич ўтилмоқда. Бу соҳанинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва ривожлантиришга давлат бюджет маблағлари йўналтирилмоқда.

Пенсия таъминоти тизими ўзининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятига кўра, жаҳондаги барча давлатларда, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини амалга оширишда марказий бўғин ҳисобланади. Ҳозирда пенсия тизими орқали дунё мамлакатларида яратилган ялпи ички маҳсулот(ЙИМ)нинг ўртача 10 фоизига яқин қисми қайта тақсимланади.

Бугунги кунда мамлакат фуқароларининг пенсия таъминотини яхшилаш ва унинг миқдорларини мунтазам ошириб бориш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда Ўзбекистонда пенсияларининг ўртача миқдори ўртача иш ҳақиға нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимидаги ислохотларни олиб боришда бу борадаги хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон мамлакатларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қиладиган, кексайган пайтида фуқароларга муносиб турмуш шароитларини таъминлайдиган, шу билан бирга, бозор шароитларига мос бўлган, фуқароларнинг ўз фаровонлигини таъминлашдаги масъулиятини оширишга хизмат қиладиган мукаммал пенсия таъминоти тизимини шакллантириш ва

унинг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ислохотларнинг диққат марказидаги долзарб масалалари қаторида турибди.

3.1-жадвал

Ўзбекистон пенсия тизимининг ривожланиш босқичлари³⁴

Йил	Жараён
1991	Миллий Пенсия тизими фаолият юрита бошлади.
1993	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармаси ташкил этилди.
1994	Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни амалга киритилди.
1996	Ижтимоий суғурта жамғармаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига айлантирилди.
1997	Пенсия жамғармаси маблағлари Давлат бюджети таркибида консолидациялашди.
2000	Пенсия жамғармасига давлат мақсадли жамғармаси мақоми берилди.
2004	Пенсия жамғармаси Молия вазирлигининг идоравий ташкилоти этиб белгиланди.
2005	Жамғариб бориладиган пенсия тизими ташкил этилди.
2010	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг барча пенсия тайинловчи ва ТМЭК бирликлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси таркибига ўтказилди.
2013	Бюджет Кодексида Пенсия жамғармасининг жамланган давлат бюджети таркибига давлат мақсадли жамғармалар сифатида киритилиши мустаҳкамланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан биз юртимизни узоқ йиллар мобайнидаги пенсия таъминотини ривожланиш босқичларини кўришимиз мумкин.

Ҳозир давлатнинг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири — аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўлиб турибди. Буни ҳал

³⁴ Мавжуд маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишланди.

қилишнинг асосий йўлларида бири эса пенсияга чиққан фуқароларнинг яхши яшашларига имкон берадиган пенсия таъминоти бўлади. Пенсия тизимини тузишдан мақсад кекса фуқаролар фақир яшамаслиги учун давлатнинг хайрия қилиши эмас, балки инсон кексайганда унинг тўкин яшашига имкон берадиган пенсия тизимини молиялаш усулини ўйлаб топиш, ижтимоий адолатни таъминлаш бўлади. Турли давлатларда бу мақсадга эришиш йўллари бир-биридан фарқ қилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики пенсия хизмати даражасини кўтариш, бунинг учун қўшимча захираларни жалб этиш, пенсия тизимларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, ишчининг пенсиясини бевосита унинг ўз меҳнати билан қўшган ҳиссасига боғлаш ҳамда нодавлат пенсия тизимини шакиллантиришга қаратилган чоратadbирларни амалга оширишни назарда тутилмоқда.

Пенсия таъминоти масаласи, айниқса, XX асрнинг 80-йилларида мураккаблашди – айнан шу вақтда дунёнинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида пенсия тизими ислохотлари бошланди. Ишлаётганлар (тўлайдиганлар) билан ишламаётганлар (пенсия оладиганлар) ўртасидаги фарқ кўпайгани учун тақсимлаш тизими ишламай қолди ва бу муаммо пенсия тизимини ислох қилишга мажбур қилди. Пенсия таъминотидаги фарқ асосан давлат харажатлари ҳисобидан қопланарди, яъни бу ҳам пенсия таъминоти ўзгаришига сабаб бўлди. Юқоридагилардан келиб чиқиб пенсия тизими барқарорлигини таъминлашга оид қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- ишловчи фуқаролар ўз ойлик маошларидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига маблағларни ойма-ой жамғариб борадилар. Мазкур жамғармалар иқтисодиётда инвестиция ва кредит ресурслари сифатида жойлаштирилади. Аммо жамғарма эгаси ўз жамғармаси учун оладиган қўшимча устама даромад ресурслардан фойдаланганлик учун фоиз устамасидан бир неча марта кам ҳисобланади, ҳамда жамғарма маблағлари иқтисодиётдаги турли инфляцион

ўзгаришлардан ҳимояланмайди. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминотига нисбатан фуқаролар қарашларини ижобий тарафга ўзгартириш, уларнинг йиллар давомида жамғариб борадиган маблағларига нисбатан устама фоиз ставкаларини ошириш ҳамда турли салбий инфляцион таъсирлардан ҳимоялаш чораларини қўллаш лозим;

- нодавлат пенсия тизимини шакиллантириш учун қонунчилик асосларини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади;

- пенсия таъминоти тизимида муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ахбарот алмашинув тизимини такомиллаштириш лозим;


- аёллар ва эркаклар умр кўриш давомийлиги ва ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш вақти давомийлигини ҳисобга олган ҳолда пенсия ёши ва иш стажини яхлитлаш лозим. (аёллар 55 ёшда 20 йиллик иш стажи билан ёшга доир пенсияга чиқадиладар, уларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги-ўртача 75,8 йил, эркакларда 60 ёшда 25 йиллик иш стажи билан ёшга доир пенсияга чиқадиладар, уларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги-ўртача 71,1 йил);

- ягона ижтимоий тўлов бўйича ҳисоблаш базасини кенгайтирилиши зарур. Бунда авваломбор жисмоний шахсларнинг қўшимча даромадлари сифатида эътироф этиладиган мулкый даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ҳисобланиши мақсадга мувофиқдир;

- хусусий пенсия фондларини шакллантириш ва уни қатъий назорат тизимини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда хусусий пенсия тизимларини ташкил этиш маълумки аҳоли даромадларига бевосита боғлиқ. Меҳнатни рағбатлантириш, иш ҳақини кўпайтириш ва аҳоли даромадлари ўсишига қаратилган ва ижтимоий йўналтирилган сиёсатни амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда 2014 йилда бюджет ташкилоти ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар ҳажми 23,2 фоизга ошди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Мамлакатимизда аҳоли реал даромадлари ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар 3.1-расмда келтирилган.



3.1-расм. Аҳоли реал даромадларининг ўзгариши (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)³⁵

Аҳоли турмуш даражасини баҳолашда жон бошига тўғри келадиган даромад билан бир қаторда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, одамлар истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш, зарур инфратузилманинг мавжудлиги ва унинг самараси, аҳолини сифатли истеъмол товарлари, шу жумладан, мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан таъминлаши, замонавий талаблар асосида таълим олиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидан баҳраманд бўлиши каби муҳим кўрсаткичларни инобатга олиш лозим. Аҳоли даромадлари ва фойдалилиги қанчалик юқори бўлса хусусий пенсия тизимларини амалиётга жорий қилиш шуналик тез ва самарали бўлади. Бизни мамлакатимизда аҳоли даромадлари 2007 йилда юқори бўлиб кейин 2008 йилда бу кўрсаткич биров тушган ва кейинчалик яна ўсиб борганда, 2010 йилдан бошлаб бу кўрсаткичда тушиш

³⁵ Н.И. Рустамов “ Аҳоли турмуш даражаси ва Ўзбекистонда уни ошириш имкониятлар”. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2015 йил

тенденциясини кўриш мумкин ва 2014 йилдан бу кўрсаткич яна кўтарилишни бошлаган.

Ҳар қандай мамлакатда ижтимоий барқарорликни таъминлашда ва кишиларни турмуш даражасини пасайиб кетишини олдини олишда пенсия тизими муҳим ўрин эгаллайди. Пенсия тизими суғурта асосида шакллантириладиган, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш ва конституцион ҳуқуқларни амалга ошириш учун йўналтириладиган пул маблағлари фондидан фойдаланишга асосланади.

XX асрнинг 90-йилларига келиб халқаро ташкилотлар жаҳонда демографик инқироз бошланиши мумкинлигини ҳамда бу инқирозга қарши самарали чораларни олдиндан ишлаб чиқиш ва қўллаш кераклигини таъкидлашган. Халқаро ташкилотлар томонидан демографик инқирознинг пенсия тизимига таъсирини пасайтириш учун хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни тавсия қилишади.

Жаҳон иқтисодиётини келажакда кутаётган демографик инқироз мамлакатларни пенсия ислохотларга бўлган эътиборини кучайишига олиб келади. Умуман олганда, кўплаб мамлакатлар ўз пенсия тизимларини куйидаги уч йўналиш бўйича ислох қилишмоқда:

- пенсион суғурта тизимининг молиявий таъминотини яхшилаш. Бунда норасмий бандликни пасайтиришга, пенсия ёшини оширишга ва пенсион имтиёзларни қисқартиришга қаратилган чоралар қобул қилинмоқда;

- минимал пенсия қийматини ошириш- Европа Иттифоқида ҳар бешинчи пенсионер қашшоқлик хавфига юз тутди. Буюк Британияда ҳар учунчи пенсионер бу хавфга дуч келади;

- хусусий пенсия тизимларида хавф-хатар даражасини пасайтириш.

Кўплаб мамлакатларда хусусий пенсия фондларини давлат томонидан назорат қилиш кучайтирилмоқда ва инвестициялар киритилиши мумкин бўлган қимматли қағозлар турлари белгиланмоқда.

Бизга маълумки, пенсия тизимининг мақсади ҳамма турдаги пенсионерларни моддий таъминлашнинг барқарор иқтисодий механизмини шакллантиришдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилиш керак:

1. Пенсионерларнинг қашшоқлик даражасини камайитириш.
2. Аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш.

Пенсия тизимини ислоҳ этиш жараёнида ушбу тизимнинг молиявий барқарорлигини ошириш билан биргаликда юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилишга катта эътибор берилади. Хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш келтирилган икки муаммони ҳал қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда жаҳон тажрибасидан ижодий фойдаланган ҳолда пенсия тизими ислоҳ этилмоқда. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда амалга оширилган пенсия ислохотларининг ижобий натижаларидан бири бу пенсия қийматининг ўсиб бориши шароитида Бюджетдан ташқари Пенсия Фондининг ижобий сальдосини таъминланаётганидир. Мамлакатимизда пенсия тизимини молиявий барқарорлигини янада ошириш хусусий жамғариб бориладиган пенсия фондларини ташкил этишни талаб қилади.

Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон пенсия тизимининг самарадорлигини ошириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди:

1. Ўзбекистонда пенсия тизимини босқичма-босқич ислоҳ этишнинг ва хусусий жамғариб бориладиган пенсия фондларини ташкил этиш, ривожлантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиқиш;

2. Ўзбекистон пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини янада оширивчи тадбирларни амалга ошириш. Хусусан пенсия ёшини ошириш ҳамда эркаклар ва аёллар учун пенсияга чиқиш ёшларини тенглаштириш керак;

3.Ўзбекистонда пенсия тизимдаги турли имтиёзларни ва пенсияга барвақт чиқишни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

4.Мамлакатимизда ўртача пенсиянинг ўртача иш ҳақидаги улушини оширишга, яъни қоплаш коэффициенти оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

5.Ўзбекистонда пенсия миқдорини меҳнат стажига қараб белгилашдан суғурта стажига қараб белгилашга босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбекистонда хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш куйидаги ижобий натижаларни қўлга киритиш имконини беради:

- пенсионерларнинг моддий таъминотини яхшиланиши;
- аҳолининг инвестицион фаоллигини ошиши;
- пенсия тизимининг молиявий барқарорлигини ошиши.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш учун куйидагиларни таклиф қилиш мумкин: хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини қонуний асосларини шакллантириш керак; хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини назорат қилувчи махсус давлат ташкилотини белгилаш ва унинг функцияларини аниқлаш керак; пенсион жамғармалардан самарали фойдаланиш учун хусусий пенсия фондларига хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ва махсус тижорат банкларини ташкил этиш керак; пенсия жамғармалар асосида амалга оширилган инвестицияларни паст хавф-хатар даражасига эга бўлиши учун қимматли-қағозлар рўйхатини ва инвестицион портфелда улушини аниқ белгилаб қўйиш керак; хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш учун мамлакатимизда фонд биржаларини ривожлантириш керак.

Умуман олганда хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизими аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган асосий масалалардан бири саналади.


Пенсия таъминоти молиявий ресурсларни қайта тақсимлашнинг йирик оқими бўлиб, иқтисодиётда маҳсулотлар, ресурслар ва даромадларнинг макроиқтисодий доиравий айланишига, аҳолининг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия тизими билан иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари узвий боғлиқ бўлиб, тўғри ташкил этилган пенсия тизими иқтисодиётни инвестициялашнинг молиявий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Пенсия захираларини марказлашган ҳолда тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, бу борадаги асосий масалалардан бири инвестицион жараёнларни деполитизация қилиш ва инвестицион қарорлар қабул қилишда нафақат бюджет манфаатларини, балки суғурталанган шахснинг пенсия даромадини ошириш борасидаги узоқ муддатли манфаатларини ҳам инобатга олиш лозимдир.

Молиявий нуқтаи назардан пенсия тизимининг самарадорлиги, маблағларни жалб қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ишлатилиш даражасини ифода этади.

Бундан келиб чиқадики, агар пенсия маблағларининг бутлиги ва уларни инвестициялаш самарадорлиги муаммоси ҳал этилмаса, ҳозирги пайтда пенсия тизимини ривожлантириш ва молиялаштириш борасида дунё амалиётида катта эътибор қаратилаётган жамғариш тизими тақсимлаш тизимидан деярли фарқ қилмайди. Бунда нафақат пулларни сақлаш, балки инфляция даражаси, иш ҳақининг ўсиш суръатига нисбатан унинг суръатини ошириш чораларини кўриш зарурдир.

Пенсияъни молиялаштиришнинг жамғарилган механизмидан фойдаланиш субъекти бўлиб, пенсия таъминоти ва суғуртанинг нодавалат институтлари ҳисобланади. Шу сабабдан, жамғарма механизмлари дастурини умумдавлат пенсия суғурта тизимига жорий этишда пенсия жамғармалари маблағларини бошқариш бўйича тажрибага эга мамлакатлар амалиётини чуқур таҳлилий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.



3.2-расм. Пенсия ёшидаги аҳолининг боғлиқлик коэффиценти (65 ва ундан юқори ёшдагиларнинг 15-64 ёшдаги ишчи кучига нисбати)³⁶

Халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан берилаётган прогнозларга кўра, мамлакатимизда пенсия ёшидаги аҳолининг боғлиқлик коэффиценти ортиб боради. Бу эса, ўз навбатида, миллий пенсия тизимида хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизими фаолиятини такомиллаштириш орқали давлат пенсия фонди дефицитини олдини олиш заруриятини вужудга келтиради. Мамлакатимизда жорий демографик вазиятларни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда миллий пенсия тизимида жамғариб бориладиган пенсия дастурини ривожлантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- тақсимланадиган ва жамғариб бориладиган пенсия дастурларини ўзаро уйғунлаштириш;
- фуқароларнинг пенсия суғуртаси бадалини тўлаб бориши узвийлиги ва мақсадли тарзда амалга оширилишини таъминлаш;
- давлат пенсия тизимида жамғарилиб бориладиган пенсия дастури аҳамиятини уни турли шакллар асосида ташкил этиш орқали ошириб бориш;

³⁶ Влияние единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Республики Узбекистан. Аналитическая записка. UNDP Uzbekistan. Ташкент – 2015. с. 6

- пенсия нафақаларини индексациялаш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва уларни меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи билан алоқадорлигини таъминлаш;
- иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этилишини рағбатлантириш;
- хусусий пенсия фондлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни инвестицион фаоллигини ошириш;
- хусусий пенсия фондларида суғурталанган фуқаролар учун солиқ имтиёзларини жорий этиш.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотларнинг асл мақсади, инсонга муносиб турмуш шароитларини яхшилашдан иборатлигидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, юқорида билдириб ўтилган таклифларни амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимиздаги кучли ижтимоий сиёсатнинг янада манзиллилигини кучайтириши билан бир қаторда, унинг бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун шарт-шароит яратиб беради.

3.2. Ўзбекистонда хусусий пенсия фондларини ривожлантириш истиқболлари

Жаҳон тажрибаси гувоҳлик берадики, кексаларни моддий таъминлашга имкон яратувчи кучли молиявий механизмни яратиш лозим. Кўпгина мамлакатлар бир қатор пенсия ислохотларини амалга оширдилар.

Хорижий мамлакатларда давлат пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия таъминоти мавжуд, унинг зарурлиги қуйидаги икки асосий сабабдан келиб чиқади. Биринчидан, бозор муносабатлари ва демократия фуқароларга кўпроқ эркинлик ва давлат тасарруфидан мустақил бўлиш имконини бериши билан бир қаторда, уларга ўз фаровон ҳаётини қуриш, ижтимоий жиҳатдан таъминлаш борасида катта масъулият юклайди. Ҳар бир фуқаро меҳнатга қобилиятли давридаёқ,

аввалдан, у қариганида ёки меҳнат қилиш қобилиятини йўқотган тақдирда ўзини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига жиддий ёндошиши керак. Иккинчидан, ҳар бир давлат қанчалик ривожланган давлат бўлишидан қатъи назар, молиявий имкониятларининг чегараси мавжуд. Давлат фуқароларни улар меҳнат қобилиятларини йўқотгунларига қадар бўлган ижтимоий ҳимояланганлик даражасида ижтимоий таъминлаш имконига эга эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат фуқароларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

Умуман олганда, бугун дунёда кексалар билан боғлиқ ана шу каби масалалар кўндаланг турибди. Агар уларни юртимиздаги вазият билан таққосласа, буткул ўзга манзара ҳосил бўлади: мамлакатимизда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, бу борадаги қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг ютуғи унинг кексаларга бўлган муносабатида кўринади, дея бежиз айтилмаган. Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, аҳоли даромадлари ошгани сайин давлат пенсия тизимларидан кўра индивидуал, яъни жамғарилувчи пенсия тизимлари оммалашиб боради. Бундай шароитда пенсия тизимининг узоқ муддатли молиявий барқарорлигини ошириш учун уч поғонали пенсия тизими моделини шакллантириш айтиш мумкин бўлар эди. Бунда биринчи поғона – давлат томонидан қафолатланган минимал пенсияъни (иш стажи ва иш ҳақидан қатъий назар барча фуқаролар учун бир хил тўланади), иккинчи поғона – мажбурий жамғарилувчи тизимни (марказлаштирилган ёки хусусий бошқарув остида), учинчи поғона эса – ихтиёрий жамғарилувчи тизим (шахсий суғурта)ни ўз ичига олади. Албатта, бундай ёндашув учун мамлакатда: пенсия маблағларининг риск даражаси паст ва инфляция суръатлари ўсишидан кўра даромадлилиги юқори бўлган инвестициялаш объектлари, активлар ва молиявий бозорларнинг мавжуд

бўлиши ва аҳолининг бандлиги, яъни ишсизлик жуда паст даражада бўлиши лозим.

Ўзбекистонда эса ҳали тугамаган тузилмавий ислохотлар жараёнида бу шароитлар ҳозирча мавжуд эмас. Ислохотлари, мавжуд пенсия таъминоти тизимини босқичма-босқич такомиллаштириб, ривожлантириб бормоқда.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки кўплаб ривожланган мамлакатлар пенсия тизимларини таҳлил қилиш жараёнида шунга амин бўлдики ҳар қайси мамлакатда пенсия тизими босқичма-босқич ривожлана борган. Биринчи босқичда аввало давлат пенсия тизимлари амал қилган кейинчалик иқтисоди ривожланиб борган сари пенсия тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилиб, иккинчи босқич яъни жамғариб бориладиган давлат томонидан назорат қилинадиган пенсия тизимлари ҳамда айрим мамлакатларда эса корпоратив пенсия тизимлари юзага кела бошлаган. Учунчи босқичда эса индивидуал жамғариб бориладиган пенсия тизимлари вужудга келган ва то ҳозирги кунгача ривожланиб келмоқда. Нодавлат пенсия жамғармаларнинг ҳозирги кунда кўплаб дастурлари амал қилади.

Ўзбекистонда ҳам ушбу пенсия тизимларининг босқичлари кетма кетликда ривожланиб келмоқда ва бизнинг мамлакатимиз бу босқичларнинг иккинчи босқичида деб айтишимиз мумкин. Кейинчалик бизни мамлакатимизда ҳам хусусий пенсия тизимлари амал қилиши мумкин. Бу пенсия тизимини мамлакатимизга татбиқ қилишда аввало бу тизимни татбиқ қилиш учун шарт-шароит яратилиши лозим, биламизки хусусий пенсия тизими асосан йиғилган бадалларни инвестиция қилади, кредитлар беради ёки қимматли қоғозлар бозоридаги узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларга инвестиция қилади. Мамлакатимизда кўрадиган бўлсак банк соҳаси ривожланиб келмоқда ва хусусий пенсия тизимларини банк муассасалари орқали мамлакатимизга татбиқ қилишимиз мумкин. Тўғри бошқа тизимлар ҳам мавжуд масалан суғурта корхоналари ёки махсус фонд ташкил қилиб хусусий пенсия тизимини татбиқ қиладиган бўлсак бунда айрим муаммолар

юзага келиши мумкин. Масалан, махсус фонд орқали ташкил қилиш кредит ресурсларини излаб топиш муаммосини юзага келиши мумкин. Суғурта корхоналар орқали ташкил этиш орқали ҳам мамлакатимизда хусусий пенсия тизимини жорий қилсак бўлади бу энг мақбул вариант бўлган бўларди, лекин мамлакатимиздаги суғурта корхоналари банк тизимичалик ривожланмаган.

Бу тизимни амалиётга жорий қилганда уни амалга ошириш тартиби: Бадаллар йиғилиши эса худди давлат пенсияси каби ойлик даромаддан чегириб қолиш ҳисобига амалга оширилиши ва унда иштирок этиш жихатдан ихтиёрий қилиниб, аъзо бўлгандан кейин минимал миқдор бадал белгиланиб, ундан ортиқ тўланиши жихатдан ихтиёрий қилиниши керак чунки бу тизимни амалга татбиқ этиб уни фойдалилик жихатини аҳоли сезгунча мана шу тартибда ишлагани маъқул. Кейинчалик ривожланиб аҳоли ўзи бу тизимни фойдалилигини хис қилгандан кейин бадал тўлаш жихатидан ҳам ихтиёрий қилиб қўйилса бўлади. Бу тизимни амалиётга жорий этганда тизим иштирокчилари пенсия чиқиш ёши етганда қийналиб қолмаслиги ва ишончни йўқотиб қўймалиги учун энг аввало банк йиғилган маблағлар доирасида ўзининг захира фондини яратиб бориши керак. Бу тизим ишлаши учун аҳоли сони, хусусан, иқтисодий фаол аҳоли сони муҳим рўл ўйнайди.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда аҳоли сони ошиб бормоқда, шу билан бирга пенсия ёшидаги фуқаролар сони ҳам ошиб бормоқда ва бу шуни тақозо қиладики, меҳнатга қобилиятсиз ва кекса ёшдаги фуқароларни ижтимоий ҳимоялашни лозим. Келажакда бу кўрсаткичлар янада ошиши кутилмоқда ва бу албатта пенсия таъминотида муаммолар юзага келиши мумкин. Яъни ҳозирданок ўз келажакимиз ва биздан кейинги авлодларнинг яхши яшаши ўйлаб ўзимизга хос ва мос пенсия тизимини жорий қилишимиз лозим. Қуйида мамлакатимиздаги аҳоли сони, меҳнат ресурслар сони, иқтисодий фаол аҳоли сони ва шу каби бир нечта кўрсаткичлар келтирилган(3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг баланси (ўртача йиллик сони, минг киши)³⁷

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар			2016 йил 2014 йилга нисбатан, %
		2014	2015	2016	
1.	Доимий аҳоли сони, А	30 757,7	31 298,9	31 848,2	103,5
2.	Меҳнат ресурслари сони (3қ+6қ), МР	18 048,0	18 276,1	18 492,6	102,5
3.	Иқтисодий фаол аҳоли сони (4қ+5қ), ИФА	13 505,4	13 767,7	14 022,4	103,8
4.	Банд аҳоли сони, Б	12 818,4	13 058,3	13 298,4	103,7
5.	Ишга муҳтожлар сони (ишсизлар), И	687,0	709,4	724,0	105,4
6.	Иқтисодий нофаол аҳоли сони, ИНФА	4 542,6	4 508,4	4 470,2	98,4

Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, 2016 йилда умумий аҳоли сони 31848,2 млн кишини ташкил қилиб 2014 йилга нисбатан 3,5% га ўсган. Иқтисодий фаол аҳоли сони эса 2016 йилда 14022,4 кишини ташкил қилиб, 2014 йилга нисбатан 3,8% ўсган. 2016 йилда иқтисодий аҳоли сони умумий аҳоли сонига нисбатан 44%(14022,4/31848,2) ташкил қилган.

Хусусий пенсия тизимида асосан иқтисодий фаол аҳоли сони муҳим рўл ўйнайди. Бизни мамлакатимизда бу кўрстак кариериб 44% ташкил қилябди. Демак биз ҳозирдаги иқтисодий фаол аҳолига келажакда ҳозиргиданда яхши ҳаётни таъминлаб берадиган шароитни яратишимиз лозим. Хусусий пенсия тизimini ташкил қилганда яна бир жихат мажбурий медицина суғуртаси жорий этилиши ва бу хусусий жамғармаларни ташкил этишининг асоси бўлиши лозим.

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

III-боб бўйича хулоса

III-боб бўйича изланишлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди.

1. Ўзбекистон Республикасида пенсия тизимидаги ислохотларни олиб боришда бу борадаги хорижий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон мамлакатларида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига хизмат қиладиган, кексайган пайтида фуқароларга муносиб турмуш шароитларини таъминлайдиган, шу билан бирга, бозор шароитларига мос бўлган, фуқароларнинг ўз фаровонлигини таъминлашдаги масъулиятини оширишга хизмат қиладиган мукаммал пенсия таъминоти тизимини шакллантириш ва унинг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлаш масалалари ўрганиш ва бу бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

2. Ҳозир давлатнинг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири – аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўлиб турибди. Буни ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири эса пенсияга чиққан фуқароларнинг яхши яшашларига имкон берадиган пенсия таъминоти бўлади. Пенсия тизимини тузишдан мақсад кекса фуқаролар фақир яшамаслиги учун давлатнинг хайрия қилиши эмас, балки инсон кексайганда унинг тўкин яшашига имкон берадиган пенсия тизимини молиялаш усулини ўйлаб топиш, ижтимоий адолатни таъминлаш бўлади.

3. Мамлакатимизда жорий демографик вазиятларни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда миллий пенсия тизимида жамғариб бориладиган пенсия дастурини ривожлантириш ва унинг фаолиятини такомиллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– тақсимланадиган ва жамғариб бориладиган пенсия дастурларини ўзаро уйғунлаштириш;

– фуқароларнинг пенсия суғуртаси бадалини тўлаб бориши узвийлиги ва мақсадли тарзда амалга оширилишини таъминлаш;

– давлат пенсия тизимида жамғарилиб бориладиган пенсия дастури аҳамиятини уни турли шакллар асосида ташкил этиш орқали ошириб бориш;

– пенсия нафақаларини индексациялаш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва уларни меҳнат самарадорлиги кўрсаткичи билан алоқадорлигини таъминлаш;

– иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этилишини рағбатлантириш;

– хусусий пенсия фондлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни инвестицион фаоллигини ошириш;

– хусусий пенсия фондларида суғурталанган фуқаролар учун солиқ имтиёзларини жорий этиш.

4. Ўзбекистонда хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш учун куйидагиларни таклиф қилиш мумкин: хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини қонуний асосларини шакллантириш керак; хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини назорат қилувчи махсус давлат ташкилотини белгилаш ва унинг функцияларини аниқлаш керак; пенсион жамғармалардан самарали фойдаланиш учун хусусий пенсия фондларига хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ва махсус тижорат банкларини ташкил этиш керак; пенсия жамғармалар асосида амалга оширилган инвестицияларни паст хавф-хатар даражасига эга бўлиши учун қимматли-қағозлар рўйхатини ва инвестицион портфелда улушини аниқ белгилаб қўйиш керак; хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш учун мамлакатимизда фонд биржаларини ривожлантириш керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хусусий пенсия тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш истиқболлари масалалари ўрганилди ва тадқиқот ишини ўрганиш натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар олинди.

Хулосалар.

1. Ривожланган давлатларда пенсия тизими “уч поғонали тизим” сифатида характерланади:

- Биринчи поғона – мажбурий пенсия суғуртаси.
- Иккинчи поғона – “корхонадан пенсия”. Кўпчилик корхоналар собиқ ходимларига қонун билан белгиланувчи пенсия суғуртасига қўшимча равишда пенсия тўлайди. Кексаликдан ҳимоянинг мазкур шакли ихтиёрий ҳисобанади, яъни корхона собиқ ходимига қўшимча пенсия тайинлаш ва тўлашни ўзи мустақил ҳал этади.

- Учинчи поғона – хусусий усул орқали ўз кексалиги юзасидан ғамхўрлик. Мазкур поғона хусусий капитални шакллантиришнинг барча турларини (кўчмас мулк сотиб олиш, қимматли қоғозлар фондини ташкил этиш, узоқ муддатли жамғарма шартномаларини имзолаш ва б.) қамраб олади.

2. Умуман, дунё амалиётида ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан икки хил кўринишдаги пенсия тизими амал қилади:

а) Давлат пенсия таъминоти.

- тақсимот пенсия тизими
- жамғарилувчи пенсия тизими

б) нодавлат пенсия таъминоти.

- Корпоратив пенсия тизими
- Индивидуал жамғарилувчи пенсия тизими.

3. Хусусий пенсия тизимлари дастлаб Буюк Британия, АҚШ ва Чили мамлакатларига пайдо бўлган ва ривожланган. Хусусий пенсия тизими компонентлари қадим замонлардан кўплаб мамлакатларда бўлишига

карамасдан унинг расмий ва мукуаммаллашган кўриниши 1981 йилда Чилида пайдо бўлган ва кейинчалик ривожланган мамлакатларда хусусан, Буюк Британия ва АҚШ да ривожланди ва бу тизим муваффақиятга эришди. Кейинчалик бу тизим дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида ишлашни бошлади.

4. Хусусий пенсия тизими- истеъфога чиққандан кейин пенсия олиш учун ҳар бир шахс индивидуал даромаддан хисса қўшиш орқали катнашади. Бу давлат пенсия тизимига муқобил бўлиб, одатда суғурта корхоналари, банклар ва махсус фондлар орқали бошқарилади. Кўпинча, яъни айрим мамлакатларда хусусий пенсиялар иш берувчилар томонидан ҳам бошқарилиши мумкин ва бу пенсия меҳнат пенсияси деб аталади. Хусусий пенсия тизимида бадаллар шаклланиши давлат пенсия тизимида ўхшаб даромаддан бадаллар чегириб қолиш ҳисобига барпо этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси жамғариб бориладиган пенсия тизими таҳлили унда асосан у қачон амалга татбиқ қилингани ва бу пенсия тизимини амалга татбиқ этишдан асосий мақсад, бу пенсия тизимининг ишлаш механизми: қандай тартибда аъзо бўлиш ва кимлар бу пенсия тизимида иштирок этиши мумкинлиги ва кимлар учун мажбурий ва кимлар учун ихтиёрийлиги, бадаллар йиғилиши, йиғилган бадалларга қандай тартибда фоиз ҳисобланиши, бундан ташқари қачон ва қай тартибда маблағларнинг тўланиши ва тўловларнинг тўхтатилиш жараёнлари кўриб чиқилган.

6. Жаҳон тажрибасида пенсия таъминотини молиялаштириш механизмнинг уч хил тури кўп учрайди.

- Барча мамлакатларда кенг тарқалган бюджет даромадлардан молиялаштириладиган давлат пенсия таъминотини амалга ошириш.

- Ихтиёрий ва мажбурий шахсий жамғарма режаларни амалга ошириш.

- Иқтисодий инқироз, инфляция, жамғармаларни йўқотишдан ва жамғармани кадрсизланишга олиб келадиган инвестицион рисклардан ҳимоя қиладиган суғурта тизимини ривожлантириш.

7. Ҳозир давлатнинг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири – аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўлиб турибди. Буни ҳал қилишнинг асосий йўлларида бири эса пенсияга чиққан фуқароларнинг яхши яшашларига имкон берадиган пенсия таъминоти бўлади. Пенсия тизимини тузишдан мақсад кекса фуқаролар фақир яшамаслиги учун давлатнинг хайрия қилиши эмас, балки инсон кексайганда унинг тўкин яшашига имкон берадиган пенсия тизимини молиялаш усулини ўйлаб топиш, ижтимоий адолатни таъминлаш бўлади.

Ушбу хулосаларимиз асосида қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

1. Хусусий пенсия тизимини Ўзбекистон Республикасига тадбиқ этишда илғор ривожланган мамлакатлар хусусий пенсия тизими тажрибаларидан фойдаланиш лозим;

2. Хусусий пенсия тизимини амалиётга жорий қилишда, аввало, унинг қонуний-ҳуқуқий асосларини шакллантириш керак, хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини назорат қилувчи махсус давлат ташкилотини белгилаш ва унинг функцияларини аниқлаш керак, пенсия жамғармаларидан самарали фойдаланиш учун хусусий пенсия фондларига хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ташкил этиш керак.

3. Хусусий пенсия тизимини ташкил этишдан олдин бу тизим ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш лозим, яъни пенсия жамғармалари маблағларини кўпайтириш мақсадида хусусий пенсия фондлари томонидан амалга ошириладиган инвестицияларни риск даражаси паст бўлган қимматли-қоғозларга йўналтириш ва инвестицион портфелда улар улушини аниқ белгилаб қўйиш керак; хусусий жамғариб бориладиган пенсия тизимини ривожлантириш учун мамлакатимизда фонд биржалари фаолиятини, суғурта тизимини ва инвестиция тармоқларини, бундан ташқари банк соҳасини ҳам ривожлантириш лозим.

4. Иш берувчилар томонидан касбий пенсия дастурларини ташкил этилишини рағбатлантириш. Хусусий пенсия фондларида суғурталанган фуқаролар учун солиқ имтиёзларини жорий этиш.

5. Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини, хусусан, катта ёшдаги аҳоли фаровонлигини ошириш ва ҳаёт тарзини янада яхшилаш мақсадида хусусий пенсия фондлари фаолиятини банк муассасалари орқали мамлакатимизга тадбиқ қилиш мумкин. Бошқа тизимлар орқали ҳам бу тизимни ташкил этиш мумкин, масалан суғурта корхоналари ёки махсус фонд ташкил қилиб хусусий пенсия тизимини тадбиқ қиладиган бўлсак бунда айрим муаммолар юзага келиши мумкин. Масалан, махсус фонд орқали ташкил қилиш кредит ресурсларини излаб топиш муаммосини юзага келтириши мумкин. Суғурта корхоналар ташкил этиш орқали ҳам мамлакатимизда хусусий пенсия тизимини жорий қилиш яхши самара берган бўларди, лекин мамлакатимиздаги суғурта корхоналари банк тизимичалик ривожланмаганлиги сабабли банк тизими орқали ташкил этиш энг мақбул вариант ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-2010 йил
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 2007 йил 25-декабр.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет Кодекси. 2013 йил. 26-декабр.
- 1.4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодекси. 1995 йил 21-декабр.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни. 1993 йил. 3-сентябр.
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни. 2004 йил. 2-декабр. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2010 йил 26-ноябр. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини ривожлантириш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 2011 йил 8-сентябрдаги 252-сонли қарор.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ташкилий тузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2009 йил 30-декабрдаги ПҚ-1252 сон қарори.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2004 йил 21-октябрдаги қарори.

1.11. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислохотлар ва модернизатсия йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йилда мамлакатимизни ижтимоий -иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

1.12. Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи 2016 йил 15 декабр.

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

1.14. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 17-декабр Ф-4760-сон фармойиши, Ўзбекистон Республика қонун ҳужжатлари тўплами, 2017-й.

1.15. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.

1.16. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.

1.17. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 й.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

- 2.1. Waldo Tapia “Description of private pension system” publishing 2008 year.
- 2.2. Romain Despalins “Old Age Pension Schemes” OECD 2014 йил, Paris, France. p.22
- 2.3. Pietro Grandi “Development Human Report” 2012 year.
- 2.4. David Pinkus “Pensions at Glance” 2016 year.
- 2.5. Касимова Г.А “ Ижтимоий сиёсатнинг йўналишлари” Монография – Т.: “Иқтисод-молия”, 2008 йил. 89-bet.
- 2.6. Joel Paula ва Raffaele Della Croce “The tax treatment of funded private pension plans” 2015 year OESD
- 2.7. Flavio Marcilio Rabelo “Comparative regulation of private pension plans” 2008 year.
- 2.8. Федотов А.И. Анализ моделей построения пенсионных систем // Труды ИСА РАН. 2008 йил № 38. С. 168–173.; Stalebrink J. Public pension funds and assumed rates of return: an empirical examination of public sector defined benefit pension plans // American review of public administration. 2014 йил № 1(44). P. 92–111.
- 2.9. Rozanov A. Public pension fund management: best practice and international experience // Asian Economic Policy Review. 2015 йил № 10. P. 275–295.
- 2.10. Касимова.Г.А, Каримова.З.Х “Бюджетдан ташқари фондлар” ўқув қўлланма –Т “Иқтисод-молия” 2009 йил.
- 2.11. Хаитов А, Зиядуллаев М “Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хорижий тажрибаси”. ўқув қўлланма. -Т.: "Адолат". 2009 йил.
- 2.12. Тадқиқодчи В.Холов. Ўзбекистонда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадларини шакллантиришни такомиллаштиришда илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш. 2015 йил.

2.13. John white “Funds‘ latest annual reports and Bank of Canada calculations”/ Last observations: 31 March and 31 December 2015

2.14. Development Human Report 2012. <http://hdr.undp.org>

2.15. OASDI Benefeciaries -2014 OASDI Trustees Report

2.16. Влияние единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Республики Узбекистан. Аналитическая записка. UNDP Uzbekistan. Ташкент – 2015. с. 6

2.17. Н.И. Рустамов “ Аҳоли турмуш даражаси ва Ўзбекистонда уни ошириш имкониятлари”. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2015 йил

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1 Pensions at Glance; Social Programs throughout the World.

3.2 OASDI Benefeciaries -2014 OASDI Trustees Report

3.3 Social Security Administration. Annual Statistical Supplement to the Social Security bulletin. Retrieved from www.ssa.gov/policy/docs/statcomps/supplement/2015/supplement_15.pdf // Lebedova L.F. US Pension System in XXI Century Financial-Economic Destability Risks. USA * Canada, 2014, - № 3, p. 22-30 // Wills Towers Watson and secondary sources. P. 7
маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

3.4 Интернет сайтлари.

www.xb.uz (Ўзбекистон Республикаси Халқ банки)

www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси)

www.treasury.uz (Kaznacheystvo Ministerstva Finansov Respubliki Uzbekistan)

www.gov.uz (Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали)

www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлаги)

www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси)

www.soliq.uz/uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси)